

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**45-сон**  
**(909)**  
**2019 йил**  
**11 ноябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

843. «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги ўРҚ–578-сон Қонуни
844. «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ўРҚ–579-сон Қонуни
845. ««Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги ўРҚ–580-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

846. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгар-

- тириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4504-сон қарори
847. «Хуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги ПҚ–4505-сон қарори
848. «Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4508-сон қарори
849. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3263-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4511-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

850. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири-нинг 2019 йил 11 октябрдаги 40-2019-Б-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож катлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192*)
851. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193*)
852. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 9-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-5*)
853. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-3*)

854. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 13-мх-сон «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-2*)
855. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги 503-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656-2*)
856. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги 504-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-3*)
857. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 16 октябрдаги 137-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 2 ноябрдан 8 ноябргача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 843 Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 19 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши крипто-активларга доир операцияларга нисбатан татбиқ этилмайди.

##### 3-модда. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бенефициар** — пул маблағларини олувчи шахс;

**валюталаш санаси** — ташаббускор томонидан тўлов ҳужжатида

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

кўрсатилган, бенефициарнинг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилиши керак бўлган сана;

**идентификация воситаси** — фармойишни жўнатувчининг электрон рақамли имзоси ёки ҳарфлар, рақамлар ёки рамзлар уйғунлигидан иборат ноёб идентификатор ёхуд тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан тўлов хизматларидан фойдаланувчини идентификациялаш учун белгиланган ҳамда у билан келишилган бошқа идентификатор (шахсий пароль, бир марталик идентификация коди, биометрик идентификациялаш воситаси);

**клиринг** — тўлов тизими иштирокчиларининг пулга доир ўзаро талаблари ва мажбуриятларини йиғиш, таққослаш ҳамда ҳисобга ўтказиш жараёни;

**масофавий хизмат кўрсатиш тизими** — электрон хизматлардан фойдаланиш учун тўлов хизматларидан фойдаланувчи ва ушбу хизматларни етказиб берувчи ўртасидаги алоқани таъминлайдиган телекоммуникация воситалари, рақамли ва ахборот технологиялари, дастурий таъминот ва ускуналар мажмуи;

**операция куни** — фармойишларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш амалга ошириладиган вақтнинг даври;

**ташаббускор** — тўловни амалга ошириш учун фармойиш берган шахс;

**тўлов** — пул мажбуриятини нақд пул маблағлари билан бажариш ёхуд пул маблағларини тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

**тўлов агенти** — банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматлари кўрсатиш учун агентлик шартномасини тузган, банк ҳисобланмайдиган юридик шахс;

**тўлов воситаси** — тўловни амалга ошириш учун асос бўладиган ёки фойдаланиладиган тўлов ҳужжати ёки электрон тўлов воситаси;

**тўлов субагенти** — тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича субагентлик шартномасини тузган, банк ҳисобланмайдиган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

**тўлов ташкилоти** — банк ҳисобланмайдиган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс;

**тўловчи** — тўлов кимнинг ҳисобидан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс;

**тўлов хизмати** — тўлов хизматини етказиб берувчининг тўлов хизматларидан фойдаланувчига кўрсатадиган хизмати;

**тўлов хизматлари бозори** — тўлов хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек тўлов воситаларини чиқариш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуи;

**тўлов хизматларидан фойдаланувчи** — тўлов хизматларини етказиб берувчининг тўлов хизматларидан фойдаланадиган жисмоний ва юридик шахс;

**фармойиш** — тўлов ташаббускорининг тўлов хизматларини етказиб берувчига тўловни амалга ошириш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлиб, у электрон тўлов воситасидан ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фой-

даланилганда тўлов ҳужжатлари шаклида ёки тўлов хизматларидан фойдаланувчининг розилиги кўринишида ифодаланади;

**электрон пуллар** — электрон пуллар эмитентининг электрон шаклда сақланадиган ҳамда электрон пуллар тизимида тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятлари.

## **2-боб. Тўлов тизимлари**

### **5-модда. Тўлов тизими ва тўлов тизимининг иштирокчилари**

Тўлов тизими тўловларни тўлов тизимининг оператори, тўлов тизими иштирокчилари ва (ёки) тўлов ташкилотларининг тўлов тизими оператори томонидан белгиланган тўлов тизимининг тартиб-таомилларини, инфратузилмасини ва қоидаларини қўллаш воситасида ҳамкорлик қилиш йўли билан амалга оширишни таъминлайдиган муносабатлар мажмуидир.

Тўлов тизими оператори билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ва тўлов тизимида иштирок этиш тўғрисида шартнома тузган банклар тўлов тизимининг иштирокчилари ҳисобланади.

### **6-модда. Тўлов тизимларининг турлари, уларнинг муҳимлигини аниқлаш мезонлари**

Тўлов тизимлари муҳим тўлов тизимлари ва бошқа тўлов тизимларига бўлинади.

Агар тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига ёрдам берса, унинг ишидаги тўхталишлар (узилишлар) эса Ўзбекистон Республикаси тўлов хизматлари бозорида таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ушбу тўлов тизимини муҳим тўлов тизими жумласига киритади.

Агар тўлов тизими тўлов хизматлари бозорининг Марказий банк томонидан мазкур бозор учун белгиланган миқдордан кўп улушини эгаллаган бўлса ва (ёки) тўловлар тўлов тизими орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Марказий банк томонидан белгиланадиган кўрсаткичлардан кам бўлмаган ҳажмда бир йил давомида амалга оширилса, бу тизим муҳим тўлов тизими жумласига киради.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида келтирилган тўлов тизимларининг тавсифларига мос келмайдиган тўлов тизимлари бошқа тўлов тизимлари ҳисобланади.

### **7-модда. Тўлов тизимининг оператори**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс тўлов тизимининг операторидир.

Тўлов тизимининг оператори бўлмаган юридик шахс ўз номида ва (ёки) товар белгисида «тўлов тизими» деган сўзларни ҳамда мазкур сўзлардан

ҳосил бўлган, тўлов тизимининг ишлашини таъминлаш бўйича фаолиятни ушбу юридик шахс амалга ошираётганлигини тахмин қилиш имконини берадиган сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Тўлов тизимининг оператори:

тўлов тизимининг қоидаларини белгилайди ва тўлов тизимининг иштирокчилари томонидан уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

тўлов тизими иштирокчиларининг (иштирокчиларига) тўловга ва ахборотга доир хабарларига ишлов берилишини ҳамда ушбу хабарларнинг берилишини, фармойишларнинг якка тартибда бажарилишини ёки клирингни амалга оширади;

тўлов тизимининг иштирокчиси билан тўлов тизимида иштирок этиш тўғрисида шартнома тузади;

тўлов тизими инфратузилмасининг ишлаб туришини таъминлайди;

ахборот хавфсизлиги талабларига ва тўлов тизимининг узлуксиз ишлаш чораларига риоя қилинишини таъминлайди;

тўлов тизимининг иштирокчилари ўзларига кўрсатиладиган хизматлардан тенг ва очик ҳолда фойдаланишини таъминлайди.

Тўлов тизимининг оператори тўлов тизими тўғрисида ахборот тақдим этганда тўлов тизимининг оператори фаолиятини амалга оширишга доир ўз лицензияси рақамини кўрсатиши шарт.

### **8-модда. Тўлов тизимининг қоидалари**

Тўлов тизимининг қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тўлов тизимининг ишлаш тартиб-таомиллари, шу жумладан тўлов тизимида тўловларни амалга ошириш, тўлов хабарномалари форматларининг қўлланилиш тартиби, тўлов тизимининг иш жадвали ва тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш тизими;

тўлов тизими оператори кўрсатаётган хизматларнинг ва тўлов тизимида амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи;

тўлов тизимида иштирок этиш шартлари;

тўлов тизими иштирокчиларининг тўлов тизими оператори билан ҳамкорлиги тартиби;

тўлов бўйича фармойишни чақириб олиш тартиб-таомили;

тўлов тизими иштирокчиларининг тўловга қобилиятсизлигини ҳал этиш тартиби;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиш тартиби;

тўлов тизими қоидаларини бузганлик учун тўлов тизими иштирокчисига нисбатан қўлланиладиган чоралар.

Тўлов тизимининг қоидаларига ушбу тўлов тизими иштирокчиларининг бошқа тўлов тизимларида иштирок этишини, шунингдек мазкур тўлов тизимининг инфратузилмасига хизмат кўрсатувчи шахсларнинг бошқа тўлов тизимларига хизмат кўрсатишини (бундан ушбу тўлов тизими операторининг ходимлари бўлган шахслар мустасно) чекловчи шартларни киритиш тақиқланади.

Тўлов тизимининг қоидалари, ушбу қоидаларга доир ўзгартиш ва қўшимчалар, тўлов тизими операторининг тарифлари (хизматлари қиймати) ҳамда бу тарифларнинг (хизматлар қийматининг) барча ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар тўлов тизими оператори томонидан тасдиқланганидан сўнг уч иш куни мобайнида тўлов тизими операторининг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

Тўлов тизимининг қоидалари, ушбу қоидаларга доир ўзгартиш ва қўшимчалар, тўлов тизими операторининг тарифлари (хизматлари қиймати) ҳамда бу тарифларнинг (хизматлар қийматининг) барча ўзгаришлари тўлов тизими операторининг расмий веб-сайтида эълон қилинганидан сўнг ўн беш кун ўтгач тўлов тизими оператори ва иштирокчилари томонидан қўлланилади.

Тўлов тизимларининг операторлари ўз тўлов тизимларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги шартномаларни, башарти тўлов тизимларининг қоидаларида бундай ҳамкорлик тартиби акс эттирилган бўлса, тузиши мумкин.

Тўлов тизимининг оператори Марказий банкка:

тўлов тизимининг қоидаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотларни ушбу ўзгартиш ҳамда қўшимчалар амалга киритиладиган санага қадар ўн беш иш кунидан кечиктирмай;

тўлов тизими оператори тарифларининг (хизматлари қийматининг) ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ушбу ўзгаришлар амалга киритиладиган санага қадар ўн беш иш кунидан кечиктирмай тақдим этади.

### **9-модда. Тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш тизими**

Тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш тизими таваккалчиликларни аниқлаш, мониторинг қилиш ва бошқариш, шунингдек тўлов тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш тартиб-таомилларини белгилайди ҳамда тўлов тизими операторининг фаолиятини тиклаш режасини ўз ичига олади.

Тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш усуллари тўлов тизимини ташкил этиш хусусиятлари, таваккалчиликларни бошқариш модели, тўлов клирингига ва ҳисоб-китобга оид тартиб-таомиллар, пул маблавлари ўтказмаларининг сони ҳамда уларнинг суммалари, якуний ҳисоб-китоб вақти ҳисобга олинган ҳолда тўлов тизими оператори томонидан белгиланади.

Тўлов тизимидаги таваккалчиликларни бошқариш тизими таваккалчиликларни бошқаришнинг қўйидаги усулларини назарда тутиши мумкин:

таваккалчилик даражаси ҳисобга олинган ҳолда тўлов тизими иштирокчилари мажбуриятларининг энг юқори миқдорларини (лимитларини) белгилаш;

банкдаги алоҳида депозит ҳисобварақда тўлов тизимининг кафолатли жамғармасини ташкил этиш;

тўлов тизими иштирокчиларининг фармойишлари навбатма-навбат ба-жарилишини бошқариш;

тўлов тизимида ҳисоб-китобни иш куни давомида амалга ошириш;  
ҳисоб-китобни тўлов тизими иштирокчилари тақдим этган пул маблағлари доирасида амалга ошириш;  
кредит бериш имкониятини таъминлаш.

### **10-модда. Муҳим тўлов тизими оператори**

Муҳим тўлов тизими оператори ушбу Қонуннинг 7-моддасида кўрсатилган шартларга қўшимча равишда:

тўлов тизими иштирокчиларининг ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини кўрсатиладиган хизматлар сифати уларни қаноатлантириши нуктаи назаридан таҳлил қилади;

тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи билан икки томонлама алоқа механизмнинг ишлашини таъминлайди;

тўлов тизими иштирокчиларининг ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг қаноатланганлиги нуктаи назаридан тўлов тизими фаолиятининг самарадорлигини ҳисобот йилида икки томонлама алоқа механизми воситасида келиб тушган мурожаатлар ва сўровларни кўриб чиқиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш натижаларини ўз расмий веб-сайтида бир йилда бир марта, ҳисобот давридан кейинги биринчи чоракдан кечиктирмай эълон қилади;

муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказди;

тўлов тизимининг таваккалчиликларни бошқариш органини ташкил этади ва таваккалчиликларни бошқаришнинг камида икки усулидан фойдаланади;

ички ҳужжатларида:

1) тўлов тизимининг таваккалчиликларини бошқариш органининг ишлаш регламентини, шу жумладан унинг ваколатларини;

2) тўлов тизими иштирокчиларининг кўрсатилаётган хизматлар сифатига бўлган эҳтиёжлари қаноатлантирилиши баҳоланаётган тўлов тизими ишининг самарадорлигини таъминлаш мезонларини;

3) тўлов тизими иштирокчилари билан низоларни судгача ҳал қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳужжатлар тасдиқланганидан кейин уч иш куни мобайнида муҳим тўлов тизими оператори томонидан ўз расмий веб-сайтида эълон қилинади.

### **11-модда. Муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказиш**

Муҳим тўлов тизимининг оператори томонидан мазкур тўлов тизимининг ушбу Қонун талабларига ва халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказиш ҳисобланади.

Муҳим тўлов тизимининг оператори тўлов тизимининг ишлашини унинг халқаро стандартларга мувофиқлиги нуктаи назаридан уч йилда камида бир марта ўзини ўзи баҳолашдан ўтказди.

Муҳим тўлов тизими оператори муҳим тўлов тизимининг ишлашини ўзини ўзи баҳолашдан ўтказиш натижаларини Марказий банкка тақдим этади ва ўзини ўзи баҳолаш тугалланганидан кейин уч иш куни мобайнида ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

### **12-модда. Тўлов тизимидаги тўловларнинг яқунланганлиги**

Тўловлар пул маблағлари қайси иштирокчининг фойдасини кўзлаб амалга оширилган бўлса, ўша иштирокчининг ҳисобига ўтказилгандан сўнг тўлов тизимида яқунланган деб ҳисобланади.

Тўлов тизимининг иштирокчиси банк ҳисобварағи бўйича харажатлар операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) миқознинг банк ҳисобварағидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарорларини олгунига қадар ушбу иштирокчи томонидан тўлов тизимида йўналтирилган тўловлар чақириб олинмайдиган ва узил-кесил тўловлардир. Мазкур тўловлар бажарилиши ва якунига етказилиши лозим.

### **3-боб. Тўлов хизматлари бозори**

#### **13-модда. Тўлов хизматларини етказиб берувчилар**

Тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидагилардан иборат:

Марказий банк;

банклар;

тўлов ташкилотлари;

тўлов агентлари;

тўлов субагентлари.

Ушбу Қонунда банклар тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари сифатида кўриб чиқилмайди.

#### **14-модда. Тўлов хизматларининг турлари**

Қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатиш тўлов хизматлари жумласига киради:

банк ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш ва амалга ошириш;

нақд пул маблағларини банк ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиш учун қабул қилиш;

тўловчи томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда тўловни амалга ошириш учун нақд пул маблағларини қабул қилиш;

электрон пулларни чиқариш ва қоплаш;

банк карталарини чиқариш;

электрон пулларни ва банк карталарини реализация қилиш;

электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловларни қабул қилиш ва бу тўловларга ишлов бериш;

электрон шаклдаги тўловларга ишлов бериш ва тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни банкка бериш ёки мазкур тўловлар бўйича пул маблағларини қабул қилиш;

пул ўтказмалари тизими орқали пул маблағларини қабул қилиш ва амалга ошириш.

Қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатиш тўлов хизматлари жумласига кирмайди:

тўловчи қайси шахс олдида тўлов хизматларини етказиб берувчининг иштирокисиз амалга ошириладиган мажбуриятларга эга бўлса, ўша шахсга тўловни амалга оширувчи шахс томонидан нақд пул маблағларини бериш;

банкнотларни, тангаларни ва қимматликларни инкассация қилиш;

банк ҳисобварағини очмаган ҳолда нақд чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

учинчи шахслар иштирокисиз қабул қилинган тўловлар бўйича пул маблағларини тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан бенефициар фойдасига ўтказишни амалга ошириш чоғида юридик шахс бўлган бенефициар, яқка тартибдаги тадбиркор ва тўлов хизматларини етказиб берувчи ўртасидаги ахборот-коммуникацияга оид ва технологик ҳамкорликни таъминлаш.

### **15-модда. Тўлов хизматлари кўрсатиш**

Тўлов хизматлари:

Марказий банк;

банклар;

тўлов ташкилоти, бундан нақд пул маблағларини банк ҳисобварақларига ўтказиш учун қабул қилиш, электрон пулларни ва банк карталарини чиқариш хизматлари мустасно;

банклар ва тўлов ташкилотлари учун рухсат этилган тўлов хизматларининг турлари доирасида тўлов агенти ҳамда тўлов субагенти томонидан кўрсатилади.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчи ўз банк ҳисобварағига хизмат кўрсатадиган тўлов хизматларини етказиб берувчининг масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланишга ёки бошқа тўлов хизматларини етказиб берувчининг хизматларидан фойдаланишга, башарти тўлов хизматларини етказиб берувчида бундай фойдаланишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлса, ахборот хавфсизлиги ва тўлов хизматларидан барча етказиб берувчилар тенг фойдаланишини таъминлашга доир талабларга риоя этган ҳолда ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов хизматларини Марказий банкнинг тегишли лицензиясиз кўрсатиш тақиқланади. Ушбу талаб тўлов агентларининг ва тўлов субагентларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

Тўлов ташкилоти тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича агентлик шартномаси асосида тўлов агенти ёки тўлов субагенти сифатида тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

Тўлов ташкилоти ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни тақдим этишда ўзининг лицензия рақамини кўрсатиши шарт.

**16-модда. Тўлов хизматлари кўрсатишга доир шартнома**

Тўлов хизмати тўлов хизматларидан фойдаланувчи ва тўлов хизматларини етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома, шу жумладан оммавий оферта тарзидаги шартнома асосида кўрсатилади. Тўлов хизматлари кўрсатишга доир шартномада қуйидагилар бўлиши керак:

кўрсатиладиган тўлов хизматларининг турлари ва умумий хусусияти;  
тўлов хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддати;  
ундириладиган йиғимларнинг ва воситачилик ҳақларининг миқдорлари;  
тўлов хизматлари ҳақидаги ахборотни тақдим этиш тартиби;  
рухсат этилмаган тўловлардан ҳимояланиш ҳаракатларининг тартиби;  
тўлов хизматларини етказиб берувчининг тўлов хизматлари кўрсатишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиш шартлари;  
рухсат этилмаган тўловлар бўйича масалаларни ҳал этиш тартиби;  
тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шартномани бекор қилиш ҳуқуқи;

эътирозлар билдириш ва низоларни ҳал этиш тартиби;  
тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойишларини бажаришни асоссиз равишда рад этганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловларнинг миқдори.

Тўлов хизматлари кўрсатишга доир шартномада тўлов хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин.

Тўлов хизматларини етказиб берувчи ўзи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи ўртасида шартнома тузилган санада белгиланган кўрсатиладиган тўлов хизматлари бўйича воситачилик ҳақи миқдорларини бир томонлама тартибда ошириш томонга ўзгартиришга ҳақли эмас. Бундан халқаро тўловларни амалга ошириш чоғида ундириладиган воситачилик ҳақлари мустасно бўлиб, бу ҳақларнинг ўзгарганлиги тўғрисида тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларидан фойдаланувчини шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда хабардор қилади.

**17-модда. Тўлов хизматларини етказиб берувчига қўйиладиган талаблар**

Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларини фақат тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойишида назарда тутилган шартларга мувофиқ кўрсатади.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойиши шартлари ва реквизитларини тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан ўзгартириш тақиқланади.

Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларидан фойдаланувчининг фармойишисиз тўловни бошлашга ҳақли эмас.

Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларидан фойдаланувчига воситачилик ҳақининг миқдори ҳақида тўлов хизматлари кўрсатилгунга қадар ахборот тақдим этади.

Тўлов хизматлари кўрсатганлик учун воситачилик ҳақини тўлов сум-

масидан ундириш тақиқланади, бундан бенефициар ва бенефициарнинг тўлов хизматларини етказиб берувчиси ўртасидаги шартномада тўлов суммасидан чегириб ташлаш йўли билан воситачилик ҳақини ундириш шарти назарда тутилган ҳоллар мустасно. Бенефициарнинг тўлов хизматларини етказиб берувчиси бенефициарнинг талабига кўра уни қабул қилинган тўлов суммаси ва ундан амалга оширилган чегирмалар ҳақида хабардор қилади.

Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларини кўрсатишда қуйидаги шартларга риоя этилишини таъминлайди:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлов хизматларидан фойдаланувчини лозим даражада текширишдан ўтказиш ва идентификация қилиш;

тўлов ҳужжатида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўловчи ва бенефициар бўйича назарда тутилган реквизитларнинг мавжуд бўлиши, бундан тўлов ташкилотининг пул маблағларини жўнатувчи томонидан банк ҳисобварағини очмаган ҳолда тўловларни амалга ошириш учун нақд пул маблағларини қабул қилиш бўйича хизматлар кўрсатиши мустасно;

тўловчини ва (ёки) бенефициарни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар тўлов хизматлари кўрсатилганидан кейин камида беш йил давомида сақланишини таъминлаш;

тўлов хизматларидан фойдаланувчининг идентификация воситаларини ҳимоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чоралар кўриш.

Тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизмати кўрсатилганидан сўнг тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатни қоғозда ёки электрон шаклда тақдим этади. Тўлов хизматлари кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг мазмунига доир талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

Тўлов хизматлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўлов хизматларини кўрсатиш чоғида ўзи олган маълумотлар сир сақланишини таъминлайди ҳамда уларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишига йўл қўймайди, бундан «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

### **18-модда. Тўлов ташкилотининг фаолиятига доир чекловлар**

Тўлов ташкилотлари тўлов хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган чеклов фаолиятнинг қуйидаги турларига нисбатан татбиқ этилмайди:

реклама, маркетинг, маслаҳат ва ахборот хизматлари;

дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, мослаштириш, модификация қилиш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ хизматлар, шу жумладан ахборот-техник хизматлар, маълумотларга ишлов бериш ҳамда уларни ўтказишга доир хизматлар, маълумотлар базаларини ва ахборот ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланиш;

ахборот тизимлари ва тармоқларини яратиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ахборотни криптографик ҳимоялаш воситаларини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш;

микромольвий хизматлар.

Агар ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган фаолият турлари амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига кирса, тўлов ташкилоти бу фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни белгиланган тартибда олиши керак.

### **19-модда. Тўлов агентлари ва тўлов субагентлари орқали тўлов хизматларини кўрсатиш**

Банклар ва тўлов ташкилотлари тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга тўлов хизматларини тўлов агенти ва тўлов субагенти орқали кўрсатишга ҳақли.

Тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати тўлов агенти ёки тўлов субагенти томонидан қўйидаги талабларга риоя этилган ҳолда кўрсатилади:

тўлов хизматини банкнинг ёки тўлов ташкилотининг номидан кўрсатиш;

тўлов хизматларидан фойдаланувчига тўлов хизмати кўрсатилганлиги фактини тасдиқловчи ва зарур реквизитларни ўз ичига олган ҳужжатни тақдим этиш;

тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, тўлов субагенти томонидан эса тўлов агенти билан тузилган шартномага мувофиқ ҳақ ундириш.

Тўлов хизматлари кўрсатиш бошлангунига қадар тўлов агенти ёки тўлов субагенти томонидан тўлов хизматларидан фойдаланувчига қўйидаги ахборот тақдим этилади:

тўлов хизматларининг номи ва ушбу хизматлар кўрсатиладиган жойнинг манзили;

солиқ тўловчининг номи, идентификация рақами, банкнинг, тўлов ташкилотининг ва тўлов агентининг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами, тўлов хизматлари тўлов субагенти томонидан кўрсатилган тақдирда эса солиқ тўловчининг номи ёки фамилияси, исми, отасининг исми, идентификация рақами, тўлов субагентининг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами;

банкнинг ёки тўлов ташкилотининг лицензияси рақами;

тўлов хизматлари кўрсатилганда ундириладиган ҳақнинг миқдори.

Банклар ва тўлов ташкилотлари тўлов агентлари ҳамда тўлов субагент-

ларининг реестрларини юритади. Тўлов агенти жалб этилган тўлов субагентларини мазкур реестрга киритиш учун ушбу субагентлар ҳақидаги ахборотни банкка ёки тўлов ташкилотига тақдим этади.

Банклар ҳамда тўлов ташкилотлари тўлов хизматлари кўрсатишга доир агентлик шартномаси шартларига тўлов агенти томонидан рияз этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Тўлов агенти тўлов хизматлари кўрсатишга доир субагентлик шартномаси шартларига тўлов субагенти томонидан рияз этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Тўлов хизматлари кўрсатиш бўйича тўлов агенти билан агентлик шартномаларини тузган банк ва тўлов ташкилоти Марказий банкка ушбу хизматлар, шунингдек ўзининг тўлов агентлари ҳамда тўлов субагентлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Банк ва тўлов ташкилоти тўлов агенти ҳамда тўлов субагентининг мажбуриятлари бўйича тўлов хизматларидан фойдаланувчилар олдида тўлов хизматларини кўрсатишга доир агентлик шартномаларини тузган тўлов агенти ва тўлов субагенти билан солидар жавобгар бўлади.

#### **4-боб. Тўлов тизимларини ва тўлов хизматлари бозорини тартибга солиш**

#### **20-модда. Тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ва тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

тўлов хизматлари тизимини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.

#### **21-модда. Марказий банкнинг ваколатлари**

Марказий банк тўлов тизимларининг самарали, ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Қонунга мувофиқ тартибга солинишини амалга оширади.

Тўлов тизимларини тартибга солиш мақсадида Марказий банк:

тўлов тизимлари операторларининг фаолиятини ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

Тўлов тизимлари операторларининг реестрини ва Тўлов ташкилотларининг реестрини юритади;

тўлов тизими қоидаларини ва тўлов ташкилотининг тўлов тизими иштирокчилари билан ҳамкорлиги тартибини келишиб олишни амалга оширади;

тўлов тизимларининг муҳимлик мезонларини аниқлайди;  
тўлов тизимлари устидан назоратни амалга оширади;  
тўлов тизимлари операторларига ва тўлов ташкилотларига нисбатан ушбу Қонун талабларини бузганлик учун чоралар ҳамда санкциялар қўллайди;  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз тўловларнинг амалга оширилиши тартибини белгилайди;

Марказий банкнинг банклараро тўлов ва клиринг тизимларининг ишлаши қоидаларини белгилайди;

банк ҳисобварақларининг очилиши, юритилиши ва ёпилиши тартибини белгилайди;

тўлов тизимларининг операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан Марказий банкка тўловларга тааллуқли маълумотларнинг тақдим этилиши тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларини белгилайди;

Марказий банкнинг банклараро тўлов ва клиринг тизимлари билан ҳамкорликни таъминловчи дастурий воситаларга, шу жумладан автоматлаштирилган банк тизимларига, шунингдек тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги чораларини таъминлашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари устав капиталининг энг кам миқдорини белгилайди;

электрон пуллар билан тўловлар ва пул ўтказмаларига доир операциялар бўйича лимитларни белгилайди;

тўлов хизматлари бўйича тарифлар асоссиз равишда оширилганда монополияга қарши курашиш органига таклиф киритишга ҳақли;

иштирокчилари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган халқаро тўлов тизимларига нисбатан назорат фаолияти таъсирчанлигини ошириш мақсадида бошқа мамлакатларнинг назорат органлари ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

## **22-модда. Тўлов тизимлари операторларининг фаолиятини лицензиялаш тартиби**

Лицензия даъвогари сифатида банклар ва банк ҳисобланмаган юридик шахслар тўлов тизимининг оператори фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланадиган шакл бўйича Марказий банкка лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар илова қилинади:

банк бошқарувининг тўлов тизимини ташкил этиш ҳақидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

яқин икки календарь йил учун тўлов тизимини ривожлантиришга доир

бизнес-режа, унда тўлов тизимини ташкил этишнинг мақсадлари ва режалаштирилаётган натижалари, шу жумладан бозор ва инфратузилма омилларининг таҳлили кўрсатилади;

Марказий банк томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим киритилганлигини тасдиқловчи хужжат;

тўлов тизимининг қоидалари.

Банк ҳисобланмайдиган юридик шахснинг лицензия бериш тўғрисидаги аризасига қўйидагилар илова қилинади:

юридик шахс ваколатли органининг тўлов тизимини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси;

яқин икки календарь йил учун тўлов тизимини ривожлантиришга доир бизнес-режа, унда тўлов тизимини ташкил этишнинг мақсадлари ва режалаштирилаётган натижалари, шу жумладан бозор ва инфратузилма омилларининг таҳлили кўрсатилади;

тўлов тизимининг қоидалари;

банкнинг тўлов тизимининг ҳисоб-китоб банки бўлишга ёзма розилиги, шу жумладан ўзи билан қайси шаклда шартнома тузилган бўлса, ўша шаклдаги розилиги;

Марказий банк томонидан лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим киритилганлигини тасдиқловчи хужжат;

бухгалтерия баланси ва охириги ҳисобот санасига доир молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

муассислар (иштирокчилар) ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан уларнинг капиталдаги улуши миқдори;

ижро этувчи органнинг раҳбари ва аъзолари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг маълумоти, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотлар, бу маълумотларга тасдиқловчи хужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинади;

таваккалчиликларни бошқариш тизими тўғрисидаги, шу жумладан тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг пул маблағлари бут сақланишини таъминлашга доир талаблар ҳақидаги маълумотлар;

хавфсизлик тизимлари, назорат механизмлари ҳамда тизимлари тўғрисидаги маълумотлар;

хавфсизлик сиёсати ҳақидаги, шу жумладан таваккалчиликларни батафсил баҳолашни ўз ичига олган хужжат, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва тўлов хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таваккалчиликларни, шу жумладан фирибгарлик ҳамда махфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини камайтириш бўйича кўриладиган чораларнинг тавсифи;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш чораларининг тавсифи.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризининг шакли ва зарур хужжатларнинг рўйхати Марказий банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Марказий банк лицензияни бериш ҳақидаги ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарорни лицензия даъвогарининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўттиз кун муддат мобайнида қабул қилади.

Тўлов тизими қоидаларини келишиб олиш лицензия даъвогарининг аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш билан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Марказий банк лицензия даъвогарига уч иш куни мобайнида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома юборади.

Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда Марказий банк Тўлов тизимлари операторлари реестрига тўлов тизими оператори ҳақида тегишли ёзувни киритади.

Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига банк ҳисобварағининг реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади).

Тўлов тизими оператори ўз фаолиятини лицензияни олганидан ва тўлов тизими қоидаларини келишиб олганидан кейин амалга оширади.

Марказий банк лицензия даъвогарига қуйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этади:

лицензия даъвогари томонидан тегишли тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилганда;

лицензия даъвогари томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

лицензия даъвогари лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ бўлмаганда.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома лицензия даъвогарига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади). Лицензия даъвогари кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат икки ойдан ошмаслиги керак.

Лицензия даъвогари лицензия беришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этган тақдирда, Марказий банк ҳужжатларни такроран кўриб чиқишни лицензия даъвогарининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн кун муддат мобайнида амалга оширади. Лицензия даъвогарининг аризасини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Тўлов тизимининг оператори ҳақидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда, тўлов тизими оператори уч иш куни мобайнида бу ҳақда Марказий банкни ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиши шарт. Тўлов тизими операторидан олинган хабарнома асосида Марказий банк Тўлов тизимлари операторларининг реестрига уч иш куни мобайнида тегишли ўзгартишлар киритади.

Тўлов тизими оператори фаолиятни икки ва ундан ортиқ тўлов тизимларининг оператори сифатида амалга ошириш учун Марказий банкка ҳар бир тўлов тизимининг оператори сифатидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензия бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади, аризага ушбу моддада кўрсатилган ҳужжатларни илова қилади.

### **23-модда. Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилишини тугатиш**

Марказий банк қуйидаги ҳолларда тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади:

тўлов тизимининг оператори лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда;

тўлов тизимининг оператори бўлган банкда банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилганда;

тўлов тизимининг оператори тугатилганда — тугатилиш пайтидан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этилиши натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, бундан унинг ўзгартирилиши, шунингдек қайта ташкил этилаётган тўлов тизими операторида янгитдан вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасидаги фаолиятнинг лицензияланадиган айни бир турини амалга оширишга доир лицензия мавжуд бўлганда қўшиб юборилиши мустасно;

тўлов тизимининг оператори лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида фаолиятни амалга оширмаганда ёки тўлов тизими операторининг фаолияти олти ойдан ортиқ даврга тўхтатиб турилганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда тўлов тизими оператори қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

1) тўлов тизими оператори тугатиладиган тақдирда:

тўлов тизими операторини тугатиш тўғрисида унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи томонидан тугатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор;

тўлов тизими операторининг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи томонидан тасдиқланган, тугатиш жараёнини, тўлов тизими иштирокчилари олдидаги мажбуриятларни бажариш ҳамда кредиторларнинг даъволарини қаноатлантириш тартиб-таомиллари ва муддатларини ўз ичига олган тугатиш режаси;

Марказий банкка мурожаат қилиш пайтидаги, даъво талабларини қаноатлантириш учун маблағлар етарли эканлигини тасдиқловчи баланс ҳисоботи;

тугатувчи тўғрисидаги ёки тугатиш комиссиясининг таркиби ҳақидаги ахборот ва бошқа зарур маълумотлар;

2) бошқа ҳолларда — тўлов тизими иштирокчилари олдидаги мажбуриятларни бажариш тартиб-таомиллари ва муддатлари.

Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилишини тугатиш суд тартибида қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ушбу Қонунда назарда тутилган талаблар тўлов тизимининг операто-

ри томонидан мунтазам равишда бузилганда ёки бир марта кўпол тарзда бузилганда;

тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига таъсир кўрсатувчи қоидабузарликлар Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой мобайнида тўлов тизимининг оператори томонидан бартараф этилмаганда;

Марказий банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зид эканлиги аниқланганда.

Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилишини ушбу моддада назарда тутилмаган асослар бўйича тугатишга йўл қўйилмайди.

Марказий банкнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори тўлов тизимининг операторига ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма шаклда етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор тўлов тизимининг оператори томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун мобайнида лицензия Марказий банкка қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак. Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Марказий банкнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда Марказий банк лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Тўлов тизими оператори лицензиясининг амал қилиши тугатилганда тўловлар ва ҳисоб-китоблар бўйича операцияларни якунлаш тартиби ҳамда муддатлари Марказий банк томонидан белгиланади.

#### **24-модда. Тўлов ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш тартиби**

Лицензия даъвогари сифатида юридик шахслар тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланадиган шакл бўйича Марказий банкка лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:  
тўлов ташкилотининг яқин икки календарь йил учун бизнес-режаси;  
тўлов ташкилотининг аризасини Марказий банк кўриб чиққанлиги учун йиғим киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

охирги ҳисобот санасига доир бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

тўлов ташкилотининг тўлов тизими оператори ва тўлов тизими иштирокчилари билан ҳамкорлиги тартиби;

муассислар (иштирокчилар) ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан уларнинг капиталдаги улуши миқдори;

ижро этувчи органнинг раҳбари ва аъзолари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг маълумоти, иш жойи ва лавозими ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган маълумотлар, унга тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари илова қилинади;

таваккалчиликларни бошқариш тизими тўғрисидаги, шу жумладан мижозларнинг пул маблағлари бут сақланишини таъминлашга доир талаблар ҳақидаги маълумотлар;

хавфсизлик тизимлари, назорат механизмлари ҳамда тизимлари тўғрисидаги маълумотлар;

хавфсизлик сиёсати ҳақидаги, шу жумладан таваккалчиликларни батафсил баҳолашни ўз ичига олган ҳужжат, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва тўлов хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун таваккалчиликларни, шу жумладан фирибгарлик ҳамда махфий ва шахсга доир маълумотлардан қонунга зид равишда фойдаланиш хавфларини камайтириш бўйича кўриладиган чораларнинг тавсифи;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш чораларининг тавсифи.

Лицензия бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва зарур ҳужжатлар рўйхати Марказий банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Марказий банк лицензия бериш ҳақида ёки уни беришни рад этиш тўғрисида тўлов ташкилотининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўттиз кун муддат мобайнида қарор қабул қилади.

Тўлов ташкилотининг тўлов тизими иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш тартибини келишиб олиш тўлов ташкилотининг аризасини ва унга илова қилинган, лицензиялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни кўриб чиқиш билан бир вақтда амалга оширилади.

Лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Марказий банк лицензия даъвогарига уч иш кунни мобайнида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома юборади.

Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда Марказий банк Тўлов ташкилотлари реестрига тўлов ташкилоти ҳақида тегишли ёзувни киритади.

Лицензия бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарнома лицензия даъвогарига банк ҳисобварағининг реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда тўлов ташкилотига юборилади (топширилади).

Тўлов ташкилоти тўлов хизматларини етказиб берувчи сифатида ўз фаолиятини лицензия олганидан сўнг амалга ошириши мумкин.

Марказий банк тўлов ташкилотига лицензия беришни қуйидаги ҳолларда рад этади:

тўлов ташкилоти тегишли тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатларни тақдим этганда;

тўлов ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда;

тўлов ташкилоти лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ бўлмаганда.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома тўлов ташкилотига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади). Тўлов ташкилоти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат икки ойдан ошмаслиги керак.

Тўлов ташкилоти лицензия беришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабабларни бартараф этган тақдирда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш тўлов ташкилотининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан эътиборан ўн кун муддат мобайнида Марказий банк томонидан амалга оширилади. Тўлов ташкилотининг аризасини такроран кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Тўлов ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда тўлов ташкилоти Марказий банкни бу ҳақда уч иш куни мобайнида ёзма шаклда ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор этиши шарт. Марказий банк тўлов ташкилотидан олинган хабарнома асосида Тўлов ташкилотларининг реестрига уч иш куни мобайнида тегишли ўзгартишлар киритади.

### **25-модда. Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатиш**

Марказий банк қуйидаги ҳолларда тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади:

тўлов ташкилоти лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда;

тўлов ташкилоти тугатилганда — тугатиш пайтидан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этиш пайтидан эътиборан, бундан тўлов ташкилотининг ўзгартирилиши, шунингдек қайта ташкил этилаётган тўлов ташкилотида янгитдан вужудга келган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш санасида фаолиятнинг лицензияланадиган айни бир турини амалга оширишга доир лицензия мавжуд бўлганда қўшиб юборилиши мустасно;

тўлов ташкилоти фаолиятни лицензия олинган кундан эътиборан бир йил давомида амалга оширмаганда ёки тўлов ташкилотининг фаолияти олти ойдан ортиқ даврга тўхтатиб турилганда.

Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатиш суд тартибида қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ушбу Қонунда назарда тутилган талаблар тўлов ташкилоти томонидан мунтазам равишда бузилганда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда;

Марказий банкнинг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга зид эканлиги аниқланганда.

Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилишини ушбу моддада назарда тутилмаган асослар бўйича тугатишга йўл қўйилмайди.

Марказий банкнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори тўлов ташкилотига ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ёзма шаклда етказилади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор тўлов ташкилоти томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун мобайнида лицензия Марказий банкка қайтарилиши ва йўқ қилиниши лозим.

Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилиши тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим. Тўлов ташкилоти лицензиясининг амал қилиши унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан тугатилади.

Тўлов ташкилоти Марказий банк томонидан унинг лицензиясининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги хабарнома олинганидан сўнг тўлов хизматларини кўрсатиши тақиқланади ва у бир ой мобайнида ўзининг номланишидан «тўлов ташкилоти» деган сўзларни чиқариб ташлаши керак.

Марказий банкнинг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Суд лицензиянинг амал қилишини тугатишни асоссиз деб топган тақдирда Марказий банк лицензиат олдида унга етказилган зарар миқдоридан жавобгар бўлади.

## **26-модда. Тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш тартиби**

Тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ташкилот муассисларининг (иштирокчиларининг) қарорига кўра Марказий банкни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Марказий банкка маълумот учун қуйидагилар тақдим этилади:

тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш шартлари, шакллари, тартиби ва муддатлари баён этилган ҳужжатлар;

тўлов ташкилотини қайта ташкил этиш оқибатларининг молиявий прогнози;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ҳисоботи;

қайта ташкил этиш натижасида тузиладиган тўлов ташкилотининг яқин икки календарь йил учун бизнес-режаси;

қайта ташкил этиш натижасида тузиладиган тўлов ташкилотининг тўлов тизими иштирокчилари билан ҳамкорлиги тартиби.

Марказий банк тўлов ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳужжатларни улар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш иш куни мобайнида кўриб чиқиш натижалари бўйича тавсия бериш ҳуқуқига эга.

Қайта ташкил этилаётган тўлов ташкилотлари Марказий банкка қайта ташкил этиш тўғрисида маълумот тақдим этган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ўзининг расмий веб-сайтида амалга оширилаётган қайта ташкил этиш тўғрисидаги тегишли ахборотни эълон қилиши шарт.

Қайта ташкил этиш натижасида тузилган тўлов ташкилотини лицензиялаш ушбу Қонун талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **27-модда. Тўлов тизими операторининг ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органлари раҳбарларига доир талаблар**

Тўлов тизими операторининг ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органлари раҳбарлари олий маълумотга ҳамда банк-молия соҳасида ёки ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида камида икки йиллик иш тажрибасига, шунингдек бенуқсон ишчанлик обрўсига, ўз ваколатлари доирасида тўлов тизимлари таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини таъминлаш, асосли қарорлар қабул қилиш учун зарур тажриба, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Тўлов тизими операторининг ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органлари раҳбарлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда Марказий банк тўлов тизими операторининг ва тўлов ташкилотининг ижро этувчи органлари раҳбарларини алмаштириш ҳақида кўрсатма беришга ҳақли. Ушбу кўрсатма устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

### **5-боб. Тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни ва кузатувни амалга ошириш**

#### **28-модда. Тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни амалга ошириш**

Марказий банк тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни амалга оширишда:

тўлов тизимлари операторларидан ва тўлов ташкилотларидан тўлов тизимларининг ишлаши билан боғлиқ ахборотни, шу жумладан шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган ахборотни сўраб олади;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тўлов тизимларининг ишлаши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш шакллари ва муддатларини, шунингдек ҳисоботларни тузиш услубиётини белгилайди;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан тўлов тизимларининг ишлаши тўғрисида тақдим этилган ахборотни таҳлил қилади;

тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини инспекция текширувларидан ўтказди;

тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган тақдирда тўлов тизимларининг операторларига ва тўлов ташкилотларига нисбатан чоралар ҳамда санкциялар қўллайди.

Тўлов тизимларининг ишлаши устидан назоратни амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

### **29-модда. Инспекция текширувларини ўтказиш тартиби**

Марказий банк тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини бир йилда кўпи билан бир марта инспекция текширувларидан ўтказишга ҳақли.

Муҳим тўлов тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатишида бузилишлар бўлган тақдирда Марказий банк навбатдан ташқари инспекция текширувини ўтказишга ҳақли.

Инспекция текширувлари тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятининг айрим масалалари бўйича ўтказилиши ёки комплекс текширувлар бўлиши мумкин.

Марказий банкнинг ваколатли вакиллари тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини инспекция текширувидан ўтказиш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳужжатларни олиш ва текшириш;

зарурат бўлганда, текширув материалларига илова қилиш учун ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиш;

фаолиятга доир масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

фаолиятни амалга ошириш жойига кириш;

ташкилотнинг ахборот тизимларига кириш, шу жумладан ахборотни электрон шаклда олиш (электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг бошланғич матнларидан ташқари).

Инспекция текшируви яқунлари бўйича Марказий банкнинг ваколатли вакиллари тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тўлов тизими оператори ва тўлов ташкилоти фаолияти тўғрисидаги умумий ахборотни, текширув жараёнида аниқланган қоидабузарликлар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган текширув далолатномасини тузади.

Инспекция текширувини ўтказиш муддати ўттиз кундан ошиши мумкин эмас.

### **30-модда. Марказий банк томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар**

Агар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ҳамда тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти томонидан йўл қўйилган бузилишлари тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига бевосита таъсир кўрсатмаса, Марказий банк:

тўлов тизими операторининг ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларини аниқланган қоидабузарлик тўғрисида йўл қўйилган қоидабузарликни ва у бартараф этилиши керак бўлган муддатни кўрсатган ҳолда

ёзма шаклда хабардор қилади, бунда мазкур муддат ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

тўлов тизими операторининг ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларига аниқланган қоидабузарликни бартараф этиш бўйича тавсиялар юборади.

Агар тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти томонидан йўл қўйилган юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатларининг бузилишлари тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига салбий таъсир кўрсатса, Марказий банк тўлов тизими операторининг ва (ёки) тўлов ташкилотининг бошқарув органларига қоидабузарликнинг бартараф этилиши тўғрисида уни бартараф этиш муддатини кўрсатган ҳолда кўрсатма юборади, бу муддат ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Тўлов тизими оператори ва (ёки) тўлов ташкилоти Марказий банкнинг қоидабузарликни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмасини бажармаган тақдирда Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги санкциялардан бирини қўллайди:

базавий ҳисоб-китоб миқдорининг беш минг бараваригача бўлган миқдорда жарима солади;

тўлов хизматларининг ва (ёки) операцияларнинг айрим турларини амалга оширишни олти ойгача бўлган муддатга чеклайди;

лицензиянинг амал қилишини ўн иш кунигача бўлган муддатга тўхта-тиб туради.

### **31-модда. Тўлов тизимларининг ишлаши устидан кузатув**

Тўлов тизимларининг ишлаши устидан кузатув амалга ошириляётганда Марказий банк тўлов тизимлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради, тизимлаштиради ва таҳлил қилади.

Муҳим тўлов тизимларининг ишлаши устидан кузатув амалга ошириляётганда Марказий банк:

муҳим тўлов тизимларини уларнинг халқаро стандартларга ва Марказий банк талабларига мувофиқлиги юзасидан баҳолашни ўтказиши;

муҳим тўлов тизимлари операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Марказий банк тўлов тизимларининг ишлаши устидан кузатув натижаларининг шарҳини бир йилда камида бир марта эълон қилади.

## **6-боб. Тўловлар**

### **32-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловларни амалга ошириш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловлар қуйидагилар орқали амалга оширилади:

нақд пул маблағларини ўтказиш;

электрон пулларни ўтказиш;

пул маблағларини тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

пул мажбуриятини ёки пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги фармойишни ўз ичига олган тўлов ҳужжатини бериш;  
электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш.  
Тўловни бошлаш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:  
тўловчи томонидан тўлов ҳужжатини тақдим этиш;  
сақловчи томонидан электрон тўлов воситасидан фойдаланиш;  
тўловчи томонидан нақд пул маблағларини банк кассалари, электрон терминаллар ва бошқа қурилмалар орқали ўтказиш учун киритиш;  
тўловчининг тўловни масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга бўлган розилигини юбориш.

### **33-модда. Тўлов ҳужжатлари**

Тўлов ҳужжати қоғозда тузилган ёки электрон шаклда шакллантирилган ҳужжат бўлиб, тўлов унинг асосида ёки ёрдамида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловларни амалга оширишда қўйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

тўлов топшириқномаси;  
тўлов талабномаси;  
инкассо топшириқномаси;  
мемориал ордер;  
аккредитивга ариза;  
кирим ва чиқим касса тўлов ҳужжатлари.

Тўлов ҳужжатларининг шакллари, мажбурий реквизитлари ва уларнинг мазмунига доир бошқа талаблар, электрон тўлов воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари Марказий банк томонидан белгиланади.

### **34-модда. Электрон тўлов воситалари**

Ахборотни ўз ичига олган ва тўловчига тўловни амалга ошириш, шунингдек тўловчи билан электрон тўлов воситаларининг эмитенти ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берадиган банк картаси ёки бошқа электрон жисм электрон тўлов воситаларидир.

Электрон тўлов воситасини чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс электрон тўлов воситасининг эмитентидир.

Электрон тўлов воситасининг эмитенти билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ электрон тўлов воситасидан фойдаланувчи ёки унга эгаллик қилувчи жисмоний шахс электрон тўлов воситасини сақловчидир.

Электрон тўлов воситаларидан фойдаланилган ҳолдаги тўловлар электрон тўлов воситаларини сақловчининг идентификация воситалари орқали тасдиқланган розилиги асосида амалга оширилади.

Тўловни амалга оширишда электрон тўлов воситаларини сақловчининг розилигини тақдим этиш ҳамда тасдиқлаш тартиби ва усули электрон тўлов воситасининг эмитенти ва электрон тўлов воситасини сақловчи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

**7-боб. Банк картаси****35-модда. Банк картасини чиқариш**

Банк картаси уни сақловчига электрон терминаллар, алоқа каналлари орқали тўловларни амалга ошириш ёки нақд пул маблағларини олиш ёхуд валюта айирбошлашни амалга ошириш ва банк картасининг эмитенти томонидан белгиланган бошқа операцияларни бажариш имконини берувчи ахборотни ўз ичига олади. Банк картаси дебет, кредит картаси, шу жумладан виртуал (жисмонан мавжуд бўлмаган) карта бўлиши мумкин.

Банк карталарини чиқариш ва улардан фойдаланиш банк картасининг эмитенти ҳамда банк картасини сақловчи ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Банк картасининг эмитенти бошқа ташкилотлар билан биргаликда банк карталарини тўлов хизматларидан ва бошқа хизмат турларидан фойдаланувчиларга уларнинг ўртасида тузилган шартномаларда назарда тутилган тартибда ҳамда шартларда бериш учун чиқаришга ҳақли.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчи билан шартнома тузилгунига қадар банк картасини сақловчини банк картасидан фойдаланиш чоғидаги хавфсизлик шартлари ва чоралари, эътирозларни бериш усуллари ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Банк картасининг эмитенти ўз расмий веб-сайтида банк карталарининг турлари ва уларни бериш шартлари, банк карталаридан фойдаланиш чоғидаги хавфсизлик чоралари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиради.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчига банк картасига хизмат кўрсатиш бўйича ундирилган воситачилик ҳақининг миқдори ва уни ундириш тартиби тўғрисида, воситачилик ҳақи тўланмаган тақдирда қарзни ҳисоблаш тўғрисида хабардор қилади, шунингдек банк картасини сақловчига унинг банк картасига улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган тартибда хизмат кўрсатганлик учун банк картасини сақловчи томонидан воситачилик ҳақи тўланганлиги фактининг тасдиқномаси тақдим этилишини таъминлайди.

**36-модда. Банк картасидан фойдаланилган ҳолдаги тўловлар**

Товарлар ва хизматларни чакана реализация қилишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар тўловларнинг банк карталаридан фойдаланган ҳолда қабул қилинишини таъминлаши шарт.

Тўлов иштирокчисининг банк карталаридан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўлов якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган пайтдан эътиборан юзага келади.

Тўловлар банк картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилганда якка тартибдаги тадбиркорда ёки юридик шахсда у билан банк карталарига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган банкка нисбатан якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан қабул қилинган тўлов суммасида пул талаб қилиш ҳуқуқи, банкда эса якка тартибдаги тадбир-

корнинг ёки юридик шахснинг пулга доир талабини бажариш мажбурияти юзага келади.

Банк картасининг эмитенти банк картасидан фойдаланиб амалга оширилган операциялар ҳақида банк картасини сақловчини улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда хабардор қилади. Бундай хабарномани юбориш тартиби ва унинг даврийлиги, шунингдек банк картасини сақловчини банк карталаридан фойдаланилган ҳолдаги операциялар тўғрисида хабардор қилганлиги учун банк картасининг эмитенти томонидан воситачилик ҳақини ундириш миқдори ва тартиби банк картаси эмитенти ва банк картасини сақловчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчининг талабига биноан унинг банк картасидан фойдаланиш билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни ва ахборотни шартномада белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчига юборилган ва ундан олинган хабарномаларнинг ушбу хабарномалар юборилган ва олинган кундан эътиборан уч йилдан кам бўлмаган муддат мобайнида сақланишини таъминлайди.

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчининг аризасини ариза келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чоралар кўриш зарур бўлган ҳолларда аризани кўриб чиқиш муддати кўпи билан ўттиз кунга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда банк картасини сақловчига хабар берилади. Банк картасидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланилган тақдирда банк картасини сақловчининг аризаси ариза келиб тушган кундан эътиборан қирқ беш кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Банк картасини сақловчига аризани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда ахборот юборилади.

Банк картасидан фойдаланиш банк картасини сақловчидан олинган хабарномага асосан банк картасининг эмитенти томонидан ёки банк картасини сақловчи банк картасидан шартномага мувофиқ фойдаланиш тартибини бузган тақдирда банк картаси эмитентининг ташаббусига кўра тўхтатиб турилади ёки тугатилади.

Банк картасини сақловчининг банк картасидан фойдаланишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш банк картасини сақловчининг ва банк картаси эмитентининг ушбу картадан фойдаланишни тўхтатиб туриш ёки тугатиш пайтига қадар юзага келган мажбуриятларини тугатмайди.

### **37-модда. Банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш**

Банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчини банк картаси йўқолганлиги ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисидаги хабарномани туну кун юбориш имконияти билан таъминлаши шарт.

Банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги факти аниқланганда банк картасини сақловчи банк картасининг эмитентини бу ҳақда хабардор қилади. Банк картасининг эмитенти банк кар-

таси йўқолганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида хабардор қилинмаган тақдирда барча таваккалчиликлар банк картасини сақловчининг зиммасида бўлади.

Банк картасининг эмитенти банк картаси йўқолганлиги ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома олинганидан кейин банк картасини дарҳол блокировка қилади. Банк картасининг эмитенти банк картаси йўқолганлиги ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида хабарнома олинганидан кейин банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлик учун жавобгар бўлади.

Банк картасидан рухсатсиз фойдаланилган тақдирда банк картасини сақловчи банк картасининг эмитентига банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммаларининг ўрнини қоплаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Банк картасини сақловчининг аризаси ушбу Қонун 36-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган муддатларда банк картасининг эмитенти томонидан кўриб чиқилади.

Банк картасини сақловчининг аризасини кўриб чиқиш якунлари бўйича банк картасининг эмитенти банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммаларининг ўрнини қоплаш ҳақида ёки қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммаларининг ўрнини қоплаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк картасининг эмитенти пул маблағларини банк картасини сақловчига қарор қабул қилинганидан кейин бир кундан кечиктирмай ўтказади.

Банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммаларининг ўрнини қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк картасининг эмитенти банк картасини сақловчини қабул қилинган қарор ҳақида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабардор қилади. Банк картасини сақловчига банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммаларининг ўрнини қоплашни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

банк картасини сақловчи томонидан банк картасидан фойдаланишнинг шартномада назарда тутилган хавфсизлик чораларига риоя этилмаганлиги;

банк картасини сақловчининг ўз банк картасидан фойдаланилган ҳолда жинойтлар содир этишда иштирок этганлиги факти аниқланганлиги.

### **38-модда. Банк карталаридан фойдаланилган ҳолда банклар-аро тўловлар бўйича операцияларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар томонидан чиқарилган банк карталаридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича тўловларга ишлов бериш ҳамда уларнинг клиринги Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган банклар томонидан муомалага чиқарилган банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган банклараро тўловлар бўйича операцияларга хизмат кўрсатиш тизимини ушбу тизимнинг ишлашини таъминлаш бўйича операцияларга оид ва технологик вазифаларни муҳим тўлов тизимининг оператори зиммасига юклатиш ёки махсус ташкилотни тузиш орқали ташкил этишга ҳақли.

Махсус ташкилотнинг фаолият кўрсатиш тартиби ва банк карталарининг эмитенти бўлган банклар билан ҳамкорлиги Марказий банк томонидан белгиланади.

## **8-боб. Электрон пуллар**

### **39-модда. Электрон пуллар тизими**

Электрон пуллар тизими операторининг электрон пуллар эмитенти ва (ёки) электрон пуллар эгалари билан ҳамкорлиги орқали электрон пуллардан фойдаланган ҳолда тўловлар ва бошқа операциялар амалга оширилишини таъминловчи тўлов тизими электрон пуллар тизимидир.

### **40-модда. Электрон пулларнинг эмитентлари ва эгалари**

Марказий банк ва банклар электрон пулларнинг эмитентидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда электрон пуллар эмитенти томонидан чиқариладиган электрон пуллар фақат миллий валютада номиналлаштирилган бўлиши керак.

Электрон пуллар эмитенти томонидан жисмоний шахсга электрон пулларни уларнинг номинал қийматига тенг бўлган пул маблағлари суммасига алмаштириш йўли билан тўғридан-тўғри ва (ёки) электрон пуллар тизимининг оператори ёхуд электрон пуллар тизимининг агенти орқали берилишини назарда тутувчи тўлов хизмати электрон пулларни чиқаришдир.

Қуйидагилар электрон пулларнинг эгалари бўлиши мумкин:

бошқа жисмоний шахслардан, электрон пулларнинг эмитентидан, электрон пуллар тизимининг операторидан ёки электрон пуллар тизимининг агентидан электрон пулларни олган жисмоний шахслар;

электрон пуллар тизимининг агентлари — электрон пуллар эмитенти ёки электрон пуллар тизимининг оператори билан тузилган шартнома асосида электрон пулларни олиш ва жисмоний шахсларга реализация қилиш операцияларини амалга оширувчи банклар ёки тўлов агентлари;

жисмоний шахслардан электрон пулларни битимлар бўйича тўлов сифатида олган якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар.

Электрон пуллар эгасининг ҳуқуқлари электрон пулларни олган пайдан эътиборан юзага келади.

### **41-модда. Электрон пуллар тизимининг оператори**

Тегишли лицензияга эга бўлган ва электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ёки бошқа юридик шахс электрон пуллар ти-

зимининг операторидир. Электрон пуллар тизимининг оператори электрон пуллар эмитенти билан тузилган шартномага мувофиқ электрон пуллар тизимининг фаолият кўрсатиш қондаларини белгилайди.

Электрон пуллар эмитенти ва электрон пуллар тизимининг оператори ўртасидаги муносабатлар, агар оператор электрон пулларнинг эмитенти бўлмаса, ушбу Қонун ва улар ўртасида тузилган шартнома билан тартибга солинади.

Электрон пуллар тизимининг оператори электрон пуллар эмитенти билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ ва электрон пуллар эмитенти томонидан ўзига берилган ваколатлар асосида унинг номидан электрон пуллар тизимида иштирок этувчи жисмоний шахслар, электрон пуллар тизимининг агентлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар билан шартномалар тузишга ҳақлидир. Бундай ҳолда электрон пулларнинг эгаси томонидан электрон пуллар тизимининг оператори билан тузилган шартномалар электрон пуллар эмитенти томонидан чиқарилган электрон пуллардан бир тизим доирасида фойдаланилганда электрон пулларнинг эмитенти билан тузилган шартномаларга тенглаштирилади.

Электрон пуллар тизимининг оператори электрон пуллар тизимининг ишлашини тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва чекловларни ҳисобга олган ҳолда таъминлаши шарт.

Электрон пуллар эмитенти ва электрон пуллар тизимининг оператори электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ электрон пулларга рухсатсиз эга бўлиш ва (ёки) улардан рухсатсиз фойдаланганлик, шунингдек электрон пуллар эмитентининг дастурий таъминоти ишидаги ёхуд электрон пуллар тизимининг фаолият кўрсатишидаги хатолар ёки узилишлар оқибатида электрон пуллар эгасига етказилган зарар учун электрон пулларнинг эгаси олдида жавобгар бўлади.

#### **42-модда. Электрон пулларни чиқариш ва реализация қилиш**

Электрон пулларнинг эмитенти электрон пулларни чиқаришни жисмоний шахслардан ёки электрон пуллар тизимининг агентларидан ўз зиммасига оладиган мажбуриятларнинг номинал қийматига тенг бўлган суммадаги пул маблағларини олганидан кейин амалга оширади.

Электрон пуллар эмитенти ўзи чиқарган электрон пулларни уларнинг номинал қийматига мувофиқ миллий валютада қоплаш бўйича сўзсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Электрон пулларнинг эмитенти Марказий банкни электрон пулларни чиқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш бошланганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Электрон пулларнинг эмитенти томонидан электрон пуллар эгасидан электрон пулларни чиқарганлик учун, шунингдек электрон пуллар эмитен-

ти томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар учун воситачилик ҳақи ундириш электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисида тузилган шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Электрон пуллар эмитенти ва бу пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс ўртасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва улар ўртасида тузилган электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартнома билан тартибга солинади.

Электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартнома тузилгунига қадар электрон пуллар эмитенти ёки электрон пуллар эмитенти номидан иш юритувчи электрон пуллар тизимининг оператори электрон пуллар тизимида иштирок этмоқчи бўлган жисмоний шахсга:

электрон пуллар эмитентининг ва электрон пуллар тизими операторининг номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили), шунингдек электрон пуллар тизимининг оператори банк ҳисобланмаган ҳолларда эса унинг лицензияси рақами тўғрисида;

электрон пуллардан фойдаланиш шартлари ҳақида;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплашда электрон пуллар эмитенти ва (ёки) электрон пуллар тизимининг оператори томонидан электрон пуллар эгасидан воситачилик ҳақини ундириш тартиби ва миқдори тўғрисида;

этирозларни бериш усуллари ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида, шу жумладан электрон пуллар эмитенти ёки электрон пуллар тизимининг оператори билан боғланиш учун ахборот тақдим этиши шарт.

Электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни қоплаш тўғрисидаги шартномада қуйидагилар бўлиши керак:

электрон пулларни чиқариш (сотиб олиш) шартлари;

операцияларни электрон пуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш шартлари, шу жумладан электрон пуллардан фойдаланиш учун белгиланадиган чекловлар;

электрон пуллар эгасининг электрон пулларга ва улардан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлаш тартиби;

электрон пулларни қоплашга тақдим этиш тартиби ва усуллари, уларни қоплаш тартиби;

электрон пуллардан фойдаланишда электрон пуллар эмитенти ва уларнинг эгаси ўртасида ахборот алмашиш тартиби, шу жумладан электрон пуллардан фойдаланиш назорати йўқолганлиги ёки бу пуллардан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида электрон пуллар эмитентига хабар бериш тартиби ва муддатлари;

тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги.

Электрон пулларни жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки электрон пулларни жисмоний шахслардан сотиб олиш электрон пуллар эмитенти ёки электрон пуллар тизимининг оператори билан тузилган шартнома

асосида электрон пуллар тизимининг агенти томонидан амалга оширилади, ушбу шартномада тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, электрон пулларни реализация қилиш ҳамда сотиб олиш тартиби ва шартлари белгиланади.

### **43-модда. Электрон пуллардан фойдаланиш**

Электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс электрон пуллардан тўловларни ва электрон пуллар тизимининг қоидаларида белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шартлар асосида эгасидан электрон пулларни электрон пуллар тизимининг бошқа иштирокчисига ўтказиш орқали бошқа операцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашда фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган электрон пуллар қабул қилиниши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркор ва (ёки) юридик шахс томонидан электрон пулларни битимларни амалга оширишда тўлов сифатида қабул қилиш электрон пуллар эмитенти ёхуд электрон пуллар тизимининг иштирокчиси бўлган бошқа банк билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Битимларни тузишда электрон пуллар тизимидан электрон пулларни олган якка тартибдаги тадбиркор ва (ёки) юридик шахсда электрон пуллар эмитентига нисбатан қабул қилинган тўлов суммасидаги пулни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келади.

Электрон пуллар эмитенти ва электрон пуллар тизимининг оператори электрон пуллар тизимида фирибгарликни ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни аниқлаш, шунингдек уларнинг олдини олиш мақсадида «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ташкилий ҳамда тартиб-таомилга оид чора-тадбирларни таъминлаш ва жорий этиш чораларини кўради.

Электрон пуллар тизимининг оператори «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг таъсир доирасига кирувчи операциялар ҳақидаги маълумотларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ваколатли органга тақдим этади.

Электрон пуллар эмитенти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ваколатли органга банк ҳисобланмаган электрон пуллар тизимининг операторлари

тўғрисидаги маълумотларни улар билан тегишли шартнома тузилганидан кейин тақдим этади.

Идентификация қилинган электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган битта операциянинг энг кўп суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараварига тенг бўлган суммадан ошмаслиги керак.

Идентификация қилинмаган электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс томонидан амалга ошириладиган битта операциянинг энг кўп суммаси базавий ҳисоблаш миқдорига тенг бўлган суммадан ошмаслиги керак. Мазкур сумма оширилганда электрон пуллар эгасини идентификация қилишни амалга ошириш зарур.

Электрон пуллар эгасини идентификация қилиш электрон пуллар эмитенти ва (ёки) электрон пуллар тизимининг оператори томонидан электрон пуллар эгасининг шахсан ҳозирлигида ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этганда ёхуд қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган бошқа усулда, шу жумладан масофавий идентификация қилиш тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Идентификация қилинмаган электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахснинг битта электрон қурилмасида сақланадиган электрон пулларнинг энг кўп суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараварига тенг бўлган суммадан ошмаслиги керак.

#### **44-модда. Электрон пулларни қоплаш**

Электрон пуллар эмитенти томонидан ўзи чиқарган, электрон пуллар эгаси тақдим этган электрон пулларни уларнинг номинал қиймати бўйича тенг пул маблағлари суммасига алмаштириш амалга оширилишини назарда тутувчи тўлов хизмати электрон пулларни қоплашдир.

Агар электрон пуллар эмитенти ва электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахс ўртасида тузилган шартномада электрон пуллар эмитентига ёки электрон пуллар тизими операторига воситачилик ҳақи назарда тутилмаган бўлса, электрон пулларни қоплаш электрон пуллар эмитенти томонидан электрон пулларнинг эгаси бўлган жисмоний шахснинг банк ҳисобварағига уларнинг номинал қиймати бўйича тенг бўлган пул маблағлари суммасини ўтказиш ёхуд унга нақд пул маблағларини бериш орқали амалга оширилади.

Агар электрон пуллар эмитенти ва якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ўртасида тузилган шартномада бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, электрон пуллар эмитенти якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан жисмоний шахслардан битим бўйича тўлов чоғида олинган электрон пулларни қоплашни электрон пуллар келиб тушган кун давомида амалга оширади.

Якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс томонидан олинган электрон пуллар тўловчи бўлган жисмоний шахсга пулларни ўтказишлар чоғида қайтариш учун ушбу Қонунда назарда тутилган асосларга кўра ёки битим бекор қилинган тақдирда қопланмайди.

Агар электрон пуллар эмитенти ёки электрон пуллар тизимининг оператори ва электрон пуллар эгаси ўртасида тузилган шартномада электрон пуллар эмитентига ёхуд электрон пуллар тизимининг операторига воситачилик ҳақи назарда тутилмаган бўлса, эгалари якка тартибдаги тадбиркорлар ёки юридик шахслар бўлган электрон пулларни қоплаш уларнинг номинал қиймати бўйича тенг пул маблағлари суммасини якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахснинг банк ҳисобварағига ўтказиш орқали амалга оширилади.

### **9-боб. Фармойишни қабул қилиш ва бажариш**

#### **45-модда. Фармойишни тақдим этиш**

Фармойиш топшириқнома ёки талабнома шаклида (тўлов топшириқномаси, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси ва аккредитивга ариза) қоғозда ёки электрон тарзда тақдим этилиши мумкин.

Фармойишни қабул қилиш, шунингдек инкассо топшириқномасини чақириб олиш тўловчининг банки томонидан операция куни давомида амалга оширилади.

Агар фармойиш операция куни тугаганидан кейин олинган бўлса, бундай фармойиш тўловчининг банки томонидан кейинги операция куни бошланганда олинган деб ҳисобланади.

Фармойишни тақдим этиш ёки уни чақириб олиш, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туриш:

тегишли электрон алоқа каналларидан ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда ўтказиш орқали;

электрон алоқа каналларидан ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш имконияти бўлмаганда электрон жисмда;

тўлов ҳужжатининг асл нусхасини, уни чақириб олиш ёки унинг бажарилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги кўрсатмани қоғозда тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Фармойишни электрон усулда ёки электрон жисмда тақдим этишга ёки чақириб олишга, шунингдек унинг бажарилишини тўхтатиб туришга Марказий банк томонидан белгиланган талабларга риоя этилган тақдирдагина йўл қўйилади.

Агар ташаббускор банкнинг мижози бўлса, ташаббускор томонидан банкка фармойишни тақдим этиш усуллари, тартиби ва шартлари улар ўртасидаги шартномада акс эттирилади. Агар ташаббускор банкнинг мижози бўлмаса, ташаббускор томонидан фармойишни тақдим этиш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **46-модда. Фармойишни бажариш**

Банк фармойишни қабул қилаётганда унинг шартнома талаблари ва шартларига мувофиқлигини текшириши ҳамда уни бажариши ёки бажаришни рад этиши шарт.

Бенефициарнинг банки рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда фармойишни бажаришни рад этади ҳамда бу ҳақда дарҳол тўловчига хабар қилади.

Агар тўловчи ва тўловчининг банки ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг банки томонидан фармойиш бажарилиши учун тўловчи фармойишни бажариш учун зарур бўлган пул маблағларининг суммасини таъминлаши шарт.

Банк томонидан фармойишнинг бажарилишини рад этиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

агар шартномада тўловни амалга ошириш учун тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан тўлов хизматидан фойдаланувчига кредит ажратишга доир хизмат кўрсатиш назарда тутилмаган бўлса, тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган пул маблағлари суммасининг мавжуд бўлишини тўловчи таъминламаганда;

агар фармойишда сохталаштириш, тузатиш, тўлдириш ва ўчириш белгилари бўлса, шу жумладан фармойиш тўловчи ва тўловчининг банки ўртасидаги шартномада белгиланган рухсат этилмаган тўловлардан ҳимоя қилиш ҳаракатлари тартиби бузилган ҳолда топширилган бўлса;

ташаббускор томонидан фармойишни тузиш ва тақдим этиш тартибига доир шартнома шартларида белгиланган талабларга риоя этилмаганда;

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда;

банк ҳисобварағидан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган банк ҳисобварағига тақдим этилган ҳолларда;

рухсат этилмаган тўлов аниқланганда, шунингдек бенефициар фойдасига ўтказиладиган пул маблағларини олишнинг қонунга зид фактлари аниқланган ва тасдиқланган ҳолларда;

банк ҳисобварағига доир бажарилмаган талаблар ва (ёки) ваколатли давлат органларининг банк ҳисобварағи бўйича харажатларга доир операцияларни тўхтатиб туриш ва (ёки) банк ҳисобварағидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлганда.

Фармойишни бажариш:

агар банк бенефициарга хизмат кўрсатмаса, фармойишни бенефициарнинг банкига бериш;

агар тўловчининг банки бенефициарнинг банки бўлса, пул маблағларини ўтказишни яқунлаш;

агар банк тўловчига хизмат кўрсатса, нақд пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги фармойишни тақдим этган ташаббускорга нақд пул маблағларини бериш орқали амалга оширилади.

#### **47-модда. Фармойишни бажариш муддати**

Тўловчи томонидан фармойиш тақдим этилган операция кунинда банк фармойишнинг бажарилишини таъминлайди.

Халқаро тўловлар валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳуж-

жатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда, фармойиш олинган пайтдан эътиборан икки операция кунидан кечиктирмай бажарилади.

Пул маблағларини бенефициарнинг банк ҳисобварағига ёки пул маблағлари бенефициарнинг фойдасига қабул қилинишини акс эттирувчи бошқа ҳисобвараққа ўтказишга доир фармойишни бажариш фармойиш олинган кундаги операция куни давомида бенефициарнинг банки томонидан амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган нормалар:

инкассо топшириқномаси, тўлов талабномаси ёки аккредитивга ариза орқали тақдим этилган;

ноаниқ муддатларда бажарилиши лозим бўлган;

келгусидаги валюталаштириш санасига эга бўлган;

чакана савдода ёки электрон тижоратни амалга оширишда товарлар, ишлар ва хизматларни олиш учун электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш чоғида тўлов хизматларидан фойдаланувчининг розилиги тарзида ифодаланган фармойишнинг бажарилишига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### **48-модда. Валюталаштириш санасига эга бўлган фармойишни бажариш**

Тўлов ҳужжатида кўрсатилган валюталаштириш санаси тўлов ҳужжати ёзиб берилган санадан эътиборан ўн кундан ошиши мумкин эмас.

Валюталаштириш санасига эга бўлган фармойишни бажаришда тўловчининг пул маблағлари банк ҳисобварағида захирага қўйилади ёки тўловчи банкининг ички баланс ҳисобварағига (транзит ҳисобварағига) ўтказилади.

Захирага қўйилган пул маблағларини ўтказиш ёки тўловчи банкининг махсус транзит ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш тўлов ҳужжатида кўрсатилган валюталаштириш санасидан кечиктирмай, бенефициарнинг банки томонидан пул маблағларини бенефициарнинг банк ҳисобварағига ўтказиш имконини берадиган вақт ҳисобга олинган ҳолда, тўловчининг банки томонидан амалга оширилади.

Агар валюталаштириш санаси дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, бенефициарнинг банки валюталаштириш санаси деб белгиланган кундан кейинги биринчи иш кунида пул маблағларини бенефициарнинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

Пул маблағлари тўлов ҳужжатида кўрсатилган валюталаштириш санасига мувофиқ бўлмаган операция кунида бенефициарнинг банк ҳисобварағига ўтказилган тақдирда валюталаштириш санасига эга бўлган фармойиш шартларини бузган банк банк ҳисобварағи шартномасида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### **49-модда. Тўловчида фармойишни бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари суммаси мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда фармойишни бажариш**

Тўловчида фармойишни бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари

суммаси мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаганда фармойишни бажариш қонунга мувофиқ амалга оширилади.

## **10-боб. Тўловларни яқунлаш ва қайтариш**

### **50-модда. Тўловларни яқунлаш**

Агар тўлов нақд пул маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилса, тўловни яқунлаш бенефициар ёки бенефициар ваколатли этиб белгиланган шахс томонидан пул маблағлари олинган пайтда юз беради.

Агар тўлов тўлов ҳужжати асосида амалга оширилса, тўловни яқунлаш бенефициарнинг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган пайтда юз беради.

Агар тўлов пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилса, тўловни яқунлаш пул маблағларини қўйидаги йўллар билан ўтказиш яқунланган пайтда юз беради:

пул маблағлари келиб тушганда бенефициарнинг банк ҳисобварағи бўйича бухгалтерия ёзувини киритишни амалга ошириш;

пулни ўтказиш бенефициар ҳисобварағи очилмасдан амалга оширилганда бенефициарнинг банки томонидан бенефициарга нақд пул маблағларини ҳақиқатда бериш;

бошқа ҳисобварақ бўйича бенефициар фойдасига пул маблағларини қабул қилишни акс эттирадиган бухгалтерия ёзувини киритишни амалга ошириш.

Агар тўлов электрон пулларни ўтказиш орқали амалга оширилса, тўловни яқунлаш бенефициар томонидан электрон пуллар олинган пайтда юз беради. Қабул қилинган электрон пуллар суммаси тўғрисидаги, ушбу пуллар бенефициар бўлган бошқа шахс фойдасига келиб тушганлиги ҳақида далолат берувчи ахборотнинг электрон пуллар тизимида акс эттирилиши электрон пуллар олинган пайтдир.

### **51-модда. Рухсат этилган ва рухсат этилмаган тўловлар**

Агар тўлов ушбу тўловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган шахс томонидан амалга оширилган бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, рухсат этилган тўлов бўлади. Тўлов пул ўтказиш орқали амалга оширилган тақдирда, башарти фармойиш тўловчининг банки томонидан рухсат этилмаган тўловлардан ҳимоя қилиш ҳаракатларининг белгиланган тартибига риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса ҳам тўлов рухсат этилган деб ҳисобланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда амалга оширилган тўлов рухсат этилмаган тўлов ҳисобланади. Қалбаки тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўлов ҳам рухсат этилмаган тўлов ҳисобланади.

Банк ва тўловчи электрон тўлов воситалари ёрдамида тўловларни амалга ошириш чоғида рухсат этилмаган тўловлардан хавфсизликни таъминлаш тартиб-таомилларининг бажарилишини таъминлайди.

Рухсат этилмаган тўловлардан хавфсизликни таъминлаш тартиб-таомиллари тўловлар иштирокчилари ўртасида тузилган шартномалар ва (ёки) электрон тўлов ҳужжатларини ўтказиш амалга ошириладиган тўлов тизимининг ишлаш қоидалари билан белгиланади.

### **52-модда. Тўловлар бўйича пул маблағларини қайтариш**

Пул маблағларини ўтказиш чоғида тўловлар бўйича пул маблағларини қайтариш нотўғри фармойишни бажариш ва пул маблағларини ўтказиш орқали амалга ошириладиган рухсат этилмаган тўлов факти аниқланган ҳолларда амалга оширилади.

Ташаббускор томонидан юборилган фармойиш, агар унда олдинги жўнатувчидан олинган фармойишнинг реквизитларига мос келмайдиган реквизитлар мавжуд бўлса ёки у такроран берилган бўлса, нотўғри фармойиш бўлади.

Нотўғри фармойиш ёки рухсат этилмаган тўлов бўйича пул маблағларини қайтариш бенефициарнинг банки томонидан бенефициар розилигисиз мазкур пул маблағлари ўтказилган бенефициарнинг банк ҳисобварағидаги пул маблағларини олиб қўйиш орқали амалга оширилади.

Нотўғри фармойиш ёки рухсат этилмаган тўлов бўйича пул маблағларини қайтариш бенефициарнинг банки томонидан ушбу факт аниқланган кундан эътиборан кейинги операция кунидан кечиктирмай, бенефициарнинг банк ҳисобварағида мавжуд пул маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бундан банк ҳисобварағига доир бажарилмаган талаблар ва (ёки) ваколатли давлат органларининг банк ҳисобварағи бўйича харажатлар операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) банк ҳисобварағидаги пул маблағларини хатлаш тўғрисидаги қарорлари мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Бенефициарнинг банк ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда, нотўғри фармойиш ёки рухсат этилмаган тўлов бўйича пул маблағларини қайтаришни ушбу маблағларни нотўғри ўтказишга ёхуд рухсат этилмаган тўловга йўл қўйган шахс ушбу факт аниқланган кундан эътиборан кейинги операция кунидан кечиктирмай ўз пул маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Пул маблағлари қайтарилган тақдирда, пул маблағларини ўтказишда иштирок этадиган ҳар бир жўнатувчи бундай пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамда пул маблағларини қайтариш натижасида ҳақиқатда қилинган харажатларнинг ўрни тўлов тизимининг (шу жумладан воситачи банкнинг) нотўғри фармойишга ёки рухсат этилмаган тўловга йўл қўйган иштирокчисининг пул маблағлари ҳисобидан қопланиши ҳуқуқига эга бўлади.

### **11-боб. Тўлов тизимида ахборотни ва хавфсизликни ҳимоя қилишни таъминлаш**

### **53-модда. Тўлов тизимида ахборотни ҳимоя қилиш талаблари ва тартиби**

Тўлов тизимида ахборотни ҳимоя қилиш ва уни ҳимоя қилиш восита-

ларидан фойдаланиш тартиби ушбу Қонун ҳамда тўлов тизимларининг коидалари билан белгиланади.

Тўлов тизимларининг операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар:

тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, унга ишлов бериш, уни узатиш ва сақлашнинг барча босқичларида ушбу ахборотни узлуксиз ҳимоя қилишни;

ахборотнинг махфийлиги ва яхлитлигини, шу жумладан тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилиш учун етарли бўлган хавфсизлик режимини;

ахборот тизимларида ишлаш чоғида, шу жумладан ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш муҳити ва иш тизимида ходимларнинг ваколатларини чегаралашни;

ахборот тармоқларини, шу жумладан Интернет тармоғини, шунингдек серверлар ва алоқа каналларини эҳтимол тутилган ҳужумлардан ҳимоя қилишни;

тўловлар бўйича махфий маълумотлардан ва ўта муҳим мантиқий ҳамда жисмоний ресурслардан (ахборот тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базаларидан, ахборотни ҳимоя қилиш модулларида) фойдаланиш мониторингини;

тўловларни ва пул маблағларини ўтказишни амалга ошириш чоғида ахборотнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган нохуш ҳодисаларни аниқлаш учун мўлжалланган ахборотни ҳимоя қилишнинг ташкилий чоралари ва техник воситалари қўлланилишини;

ахборотнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган аниқланган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилишини;

ахборотнинг ҳимоя қилинишини таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган аниқланган нохуш ҳодисалар сабабларини таҳлил қилишни, бундай нохуш ҳодисаларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолашни таъминлайди.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар:

фармойиш алоқа каналлари орқали жўнатиладиган тўлов хизматларидан фойдаланувчини кўп омилли аутентификация қилиш тартиб-таомилини қўллаши. Кўп омилли аутентификация мобиль ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди;

масофавий хизмат кўрсатиш тизимларида ҳимояланган алоқа канални ташкил этиши;

ҳодисаларни қайд этишнинг тегишли дафтарларини юритиш, сақлаш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлиши;

алоқа сеанси доирасида Интернет тармоғи орқали ахборотни криптографик ҳимоя қилишнинг лицензияланган воситаларидан фойдаланган ҳолда шифрланган шаклдаги махфий маълумотларни алмашишни амалга ошириши шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар фақат тўлов хизматларини кўрсатиш учун зарур шахсга доир маълумотлардан фойдаланиши, уларга ишлов бериши ва уларни сақлаши мумкин, бунда улар тўлов хизматларидан фойдаланувчидан хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган маълумотлардан ташқари ҳеч қандай маълумотларни сўрашга ҳақли эмас.

#### **54-модда. Тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга доир талаблар**

Электрон тўлов воситаси ўзига тақдим этилган тўлов хизматларидан фойдаланувчи электрон тўлов воситасидан уни бериш ва ундан фойдаланиш шартларига мувофиқ фойдаланиши, шунингдек тўлов хизматларини етказиб берувчини ёки у томонидан кўрсатилган шахсни тўлов воситаси йўқолганлиги, ўғирланганлиги, ўзлаштирилганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисида дарҳол хабардор этиши шарт.

#### **55-модда. Хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ таваккалчиликлар**

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар операцияларга доир таваккалчиликларни ҳамда тўлов хизматларини кўрсатиш чоғида хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ таваккалчиликларни камайтириш ва назорат қилиш чоралари тизимини таъминлаши шарт. Тўлов хизматларини етказиб берувчилар ноҳуш ҳодисаларга таъсир кўрсатишнинг самарали тартиб-таомилларини ишлаб чиқиши ва сақлаб туриши шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай Марказий банкка хавфсизликнинг таъминланиш ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

#### **56-модда. Тўлов тизимлари операторларининг, тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ва ташаббускорнинг ахборотни ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича жавобгарлиги**

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўлов тизимлари ёрдамида ишлов бериладиган ахборотни ҳимоя қилиш юзасидан қонун ҳужжатларида ва тўлов тизимлари қоидаларида белгиланган талабларни бажариши шарт.

Агар рухсат этилмаган тўловлар ташаббускорнинг фирибгарлик ҳаракатлари натижасида ёки ўзининг идентификациялаш воситалари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун чоралар кўрмаганлиги оқибатида содир этилган бўлса, ташаббускор рухсат этилмаган тўловлар туфайли етказилган зарарлар учун жавобгар бўлади.

**57-модда. Ахборот хавфсизлиги соҳасида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар устидан назорат қилиш**

Ахборот хавфсизлиги соҳасида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлиги режими бузилган тақдирда, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қоидабузарлик аниқланганидан кейин бу ҳақда ҳамда унинг оқибатларини камайтириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Марказий банкка тезкорлик билан хабар бериши шарт. Марказий банк тўлов тизимларининг ахборот хавфсизлиги режими бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва юритишни амалга оширади.

**12-боб. Яқунловчи қоидалар**

**58-модда. Тўловлар бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш**

Тўлов хизматларини етказиб берувчи томонидан тўловларни амалга ошириш муддатлари бузилган тақдирда, у муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлаши шарт.

Тўлов хизматларини етказиб берувчининг айби билан тўлов нотўғри амалга оширилган тақдирда, у хато аниқланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказиши шарт. Акс ҳолда, тўловчи қонунда белгиланган тартибда тўлов хизматларини етказиб берувчидан маблағларни қайтаришни, шунингдек муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун нотўғри амалга оширилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ нотўғри амалга оширилган тўлов суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**59-модда. Низоларни ҳал этиш**

Тўловлар ва тўлов тизимлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**60-модда. Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**61-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Марказий банк ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилиши-

ни ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**62-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ушбу Қонун кучга киргандан сўнг уч ой мобайнида ўз фаолиятини мазкур Қонун талабларига мувофиқлаштириши шарт.

**63-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 1 ноябрь,  
ЎРҚ-578-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**844** Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда) **224-моддаси** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 267-модда, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар) **381<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** «224-моддасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12,

640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **29<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «225-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддаси еттинчи ва саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **223-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши ёки эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган яшаш гувоҳномаси билан яшаши, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, яшаш гувоҳномасини қасддан яроқсизлантириши, эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган айни бир ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашига йўл қўйилиши, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан ўз вақтида паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўн саккиз ёшгача бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан яшаш гувоҳномасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди»;

3) **225-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча прописканинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўн суткадан ортиқ, аммо ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга бузиши, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўттиз суткадан ортиқ муддатга бузиши, —

энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибини мансабдор шахс томонидан бузиш, —

мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий ишлар билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахс томонидан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча пропискадан ўтишини, шунингдек уларнинг бу ерда бўлишнинг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилмаганлиги, худди шунингдек шахс томонидан хусусий ишлар билан келган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой майдони, транспорт воситаларини бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади»;

4) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «225-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддасининг еттинчи ва саккизинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **248-модда:**

**биринчи қисмидаги** «225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг 1-бандидаги** «225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг 3-бандидаги** «225-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **287-модданинг 1-бандидаги** «225-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «225-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **305-модданинг учинчи қисмидаги** «225-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **346<sup>1</sup>-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «225-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 ноябрь,  
ЎРҚ-579-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

**845 «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 ноябрь,  
ЎРҚ-580-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **Банклар ва банк фаолияти тўғрисида** (янги таҳрири)

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади банк фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### **3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**банк** — банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш бўйича банк фаолияти сифатида аниқланган операциялар мажмуини амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;

**банклар гуруҳи** — молия институтларининг юридик шахс бўлмаган бирлашмаси бўлиб, бунда асосий банк бошқа молия институтларини назорат қилади;

**банк ҳисобварағи** — банк томонидан шартномага мувофиқ мижозга очилган ҳисобварақ бўлиб, унга кўра банк мижознинг ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобга киритиш, мижознинг ҳисобварағидан тегишли пул маблағларини ўтказиш ҳамда бериш ва ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги топшириқларини бажариш мажбуриятини зиммасига олади;

**банкнинг барқарор молиявий ҳолати** — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолати;

**билвосита эгалик қилувчи (олувчи)** — банкнинг акцияларига ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи (акцияларни олувчи) шахс;

**муҳим аҳамиятга эга ходимлар** — банкнинг бошқарув аъзолари бўлмаган, лавозими банк фаолиятига муҳим таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган ходимлари;

**мўлжалланган олиш** — потенциал олувчи томонидан банк акцияларини олиш ёки уларга ҳал қилувчи эгалик қилишни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган қарор;

**охирги бенефициар мулкдор** — юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс;

**пруденциал назорат** — банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва камайтириш мақсадида банклар фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалга оширадиган назорат;

**регулятив капитал** — банк фаолиятини тартибга солиш ва пруденциал нормативлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган банк капитали;

**тизимли аҳамиятга молик банк** — банк тизимининг барқарорлиги қайси банкнинг фаолиятига боғлиқ бўлса, ўша банк;

**чет эл банки** — чет давлатнинг ҳудудида рўйхатга олинган, унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ банк деб ҳисобланадиган юридик шахс;

**ҳал қилувчи эгалик** — шахс томонидан ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар томонидан юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) бир ёхуд бир неча битим натижасида олинган камида беш фоизига бевосита ёки билвосита эгалик қилиш.

#### **4-модда. Банк фаолияти соҳасини тартибга солувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Мар-

казий банк деб юритилади) банк фаолияти соҳасини тартибга солувчи ва лицензиялаш, тартибга солиш ҳамда пруденциал назорат бўйича ваколатларни амалга оширувчи давлат органидир.

### **5-модда. Банк операциялари**

Банклар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради:

пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;

тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;

кредитларни уларнинг қайтарилиши, фойзлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;

чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;

жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;

инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;

учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);

қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;

аффилланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;

қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;

ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;

ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;

лизинг бериш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;

молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;

электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;

банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Банклар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банклар банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

### **6-модда. Омонат (депозит)**

Қуйидаги шартларнинг барчасига мувофиқ бўлган, қўйилган пул маблағлари омонатдир (депозитдир):

мижознинг талабига биноан ёки муддат ўтганидан кейин фоизлар ёхуд бошқа даромадлар билан ёки уларсиз ёхуд омонатчи ёки унинг ваколатли вакили ва пул маблағларини қабул қилувчи банк ўртасида, келишилган шартлар асосида қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари;

субординар қарзга, эгалик қилиш ҳуқуқларига ёки хизматларига, шу жумладан суғурта хизматларига тааллуқли бўлмаган пул маблағлари;

пул маблағларини қабул қилувчи банкнинг тегишли ҳужжати билан ёзма шаклда тасдиқланган пул маблағлари.

Пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш бўйича фаолият билан шуғулланишга фақат банклар ҳақли.

### **7-модда. Банклар учун тақиқланган ёки чекланган фаолият**

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди:

банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;

ўз активларини сотишга;

чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;

суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;

банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкни мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.

Банкларга юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шуъба ташкилотлари;

фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

фонд ва валюта биржалари;

кредит бюрolari;

қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Банклар томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йиғиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичида сотиши шарт.

Банкка ушбу банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади.

Ушбу модданинг талаблари банклар томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

### **8-модда. Банкларнинг мустақиллиги**

Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, шу жумладан банкларнинг кредит портфелини ва активларини шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, банкларнинг раҳбар ходимларини тайинлашга аралashiш, шунингдек банкнинг маблағлари ҳисобидан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

**9-модда. Давлат ва банклар мажбуриятларининг чегаралаб қўйилиши**

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкларнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.

**10-модда. Банкларнинг уюшмалари**

Банклар, агар қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўзининг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузиши мумкин.

Банкларнинг уюшмалари ахборот алмашиш ва банк фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни биргаликда ҳал қилишга доир ташкилотларни ташкил этиши мумкин.

Банкларнинг уюшмалари ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинганидан ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Марказий банкни бу ҳақда ўн кунлик муддатда хабардор этади.

**11-модда. Банкнинг номи**

«Банк» атамасидан ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларидан фақат банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан фирма номида ёхуд товар белгисида (хизмат кўрсатиш белгисида) фойдаланилади.

Банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар «банк» атамасини ўзининг фирма номига қўшиши шарт.

**12-модда. Банкнинг муассислари**

Юридик ва жисмоний шахс бўлган резидентлар, шунингдек норезидентлар банк муассислари бўлиши мумкин.

Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида бошқа давлат ташкилотлари номидан банк муассиси ва акциядори бўлиши мумкин. Устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоиздан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

**13-модда. Банкнинг устав капитали**

Банк устав капиталининг энг кам миқдори юз миллиард сўмни ташкил этиши лозим.

Банкнинг устав капитали Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қўйидаги ҳоллар мустасно:

банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳуқуқларини (талабларини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

қимматли қоғозларни банк акцияларига айирбошлаш;

банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Банк устав капиталининг энг кам миқдори банк муассислари томонидан банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза тақдим этиладиган пайтгача киритилиши керак. Устав капиталига киритиладиган маблағлар банкда очилган жамғарма ҳисобварағига ўтказилади.

Тизимли молиявий инқироз ҳолатида банк акциялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан сотиб олиниши мумкин.

#### **14-модда. Банкнинг устави ва ички низомлари**

Банк ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

Банк уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда электрон почта манзили;

устав капиталининг миқдори;

устав капиталини кўпайтириш ва камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акцияларнинг турлари ва сони, акциялар турларининг нисбати;

соф фойдани тақсимлаш, шунингдек зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби;

захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;

банк акциядорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шу жумладан ушбу Қонун талабларига мувофиқликни таъминлаш учун банк томонидан сўраб олинadиган ахборотни тақдим этиш мажбуриятлари;

банкнинг бошқарув органлари тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг сони, ваколатлари ва вазифалари ҳақидаги маълумотлар;

акциядорлар (муассислар) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари;

банк томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари;

банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби.

Банкнинг уставида ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банкнинг устави, унга киритилadиган ўзгартиш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Банкнинг ички қоидалари, шунингдек уларга киритиладиган кейинги ўзгартиш ҳамда қўшимчалар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда Марказий банкка тақдим этилиши керак.

## **2-боб. Банк фаолиятига рухсат беришга доир энг зарур шартлар**

### **15-модда. Банкни ташкил этиш**

Банклар акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

Банклар Марказий банкда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомини олади.

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган, банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) асосида амалга оширади.

Лицензия унинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади.

Лицензияни ёки унга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади.

Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади ва жавобгарликка сабаб бўлади. Бундай фаолият натижасида олинган даромад Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилади.

Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили қўйидаги икки босқичдан иборат:

Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш;

бир вақтнинг ўзида лицензия берган ҳолда банкни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида лицензиялар ёки рухсатномалар олинishi талаб этиладиган фаолият банклар томонидан тегишли ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилади.

### **16-модда. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш**

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун муассислар томонидан банк ташкил этиш бўйича ўз манфаатларини Марказий банкда ифода этишга вакил қилинган шахс (бундан буён матнда ариза берувчи деб юритилади) таъсис шартномаси имзолаганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка қўйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

таъсис шартномасини;

икки нусхадаги банк уставини;

таъсис йиғилишининг баённомасини;

муассислар рўйхатини;

ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган бевосита ва билвосита муассислар, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни;

ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган шахслар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг устав капиталида энг кўп улушларга эга бўлган, умумий улуши камида эллик фоизни ташкил этадиган бевосита ва билвосита муассислар, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни;

муассис бўлган юридик шахснинг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган охирги уч йил учун молиявий ҳисоботларини;

банкнинг устав капиталини шакллантириш учун киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни;

банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари тўғрисидаги, бу аъзоларнинг ушбу Қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни;

банкнинг ташкилий тузилмасини;

банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низом лойиҳасини;

банкнинг кейинги уч йилга мўлжалланган бизнес-режасини;

кейинчалик банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим бўлган, банкнинг кредит, инвестиция ва эмиссия сиёсатининг лойиҳаларининг, шунингдек таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат сиёсати лойиҳаларининг кўчирма нусхаларини;

аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни.

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза берувчи банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризада электрон почта манзилени кўрсатишга ҳақли. Электрон почта манзиленинг кўрсатилиши ариза юзасидан қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани олишга ёки ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда қўшимча ахборотни сўраб олинишига бўлган розилиқдир.

Такдим этилган ҳужжатларда Марказий банк томонидан камчиликлар аниқланган ва (ёки) ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган тақдирда, Марказий банк ариза берувчига бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ва (ёки) тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган ҳолдаги хабарномани ариза тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичида юборади.

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги ариза банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан уч ой

ичида Марказий банк томонидан кўриб чиқилиши керак. Мазкур муддат ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган ҳолларда тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Агар ариза берувчи томонидан тақдим этилган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ва ахборот банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, Марказий банк ариза берувчидан қўшимча ҳужжатлар ва ахборот сўрашга ҳақлидир.

Ариза берувчи Марказий банк сўраган ҳужжатлар ва ахборотни сўров олинган кундан эътиборан ўттиз календарь кундан ошмаган муддатда ушбу модданинг олтинчи қисмига мувофиқ тақдим этиши керак, ушбу муддат мобайнида банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқиладиган уч ойлик давр тўхтатиб турилади.

Марказий банк ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичида ёзма шаклда, шу жумладан ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда хабардор қилади.

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатнома олинган кундан эътиборан олти ойдан ошмаган муддат ичида юридик кучини сақлаб туради.

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатнома қўйидаги ҳолларда амал қилиш муддати тугашидан олдин бекор қилинади:

дастлабки рухсатнома сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

илгари баҳолашдан ўтган ва ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассислар, шу жумладан охири бенефициар мулкдорлар эндиликда ушбу модда талабларига мувофиқ бўлмаганда;

илгари баҳолашдан ўтган ва ушбу Қонуннинг 36-моддаси талабларига жавоб берган банк кузатув кенгаши ва (ёки) бошқаруви аъзолари эндиликда ушбу модда талабларига мувофиқ бўлмаганда, шунингдек банк кузатув кенгаши ва (ёки) бошқарувининг янги тайинланган аъзолари тўғрисида ахборот тақдим этилмаганда;

тақдим этилган бизнес-режага таркибий ўзгартишлар киритилганда;

банкни хавфсиз ва барқарор бошқаришни таъминлаб бўлмаслигини кўрсатувчи фактлар аниқланганда.

**17-модда. Чет эллик муассисларга нисбатан улар томонидан банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш чоғида қўйиладиган қўшимча талаблар**

Банкни ташкил этишда ёки банкнинг устав капиталида чет эл банки иштирок этганда ушбу Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қўйидаги ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим этилади:

чет эл банки ваколатли органининг банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш тўғрисидаги қарори;

чет эл банкининг устави;

чет эл банки банкни назорат қилиш органининг мазкур чет эл банки унинг консолидациялашган назорати остида туриши, пул маблағларини депозитларга қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ва унга банкни назорат қилиш органининг банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш учун рухсатномаси берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқномаси ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги тўғрисидаги тасдиқномаси;

чет эл банки капиталининг ва кредит рейтингининг Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Марказий банк юқори капитал ва кредит рейтинги кўрсаткичларига эга бўлган халқаро молия институтлари, чет эл банклари ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан банк ташкил этаётганда ёки банкнинг устав капиталида иштирок этаётганда дастлабки рухсатномани олишнинг алоҳида тартибини белгилашга ҳақли.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг элик фоизидан ошмаслиги керак.

Марказий банк халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган, банк муассислари бўлган норезидентларнинг капиталига ҳамда кредит рейтингига нисбатан, шунингдек норезидентлар жойлашган давлатнинг рейтингига нисбатан энг зарур талабларни белгилашга ҳақли.

Қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охирги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

Банк ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишда Марказий банк:

Марказий банк билан чет эл банки бўлган муассиснинг банкни назорат қилиш органи ўртасида ахборот айирбошлаш тўғрисидаги келишув мавжудлигини;

норезидент жойлашган мамлакат ваколатли органларининг ахборотини ва фикрларини инобатга олади.

Ушбу Қонуннинг 16-моддасида ва ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар муассис бўлган банк рўйхатга олинган ерда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки бошқа консуллик муассасалари томонидан тасдиқланади.

### **18-модда. Лицензиялашдан олдин бошқа органлар билан маслаҳатлашиш**

Марказий банк лицензиялашдан олдинги тартиб-таомиллар доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан маслаҳатлашишга ҳақлидир.

Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари Марказий банк томонидан сўралган, тегишли қарорни қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши керак.

Марказий банк чет давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровномалар юборишга ҳақли.

**19-модда. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этиш**

Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Қонун 16 ва 17-моддаларида кўрсатилган тақдим этилган ҳужжатларнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмаслиги;

баҳоланиши ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ амалга оширилган муассисларнинг, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорларнинг мазкур модда талабларига мувофиқ эмаслиги;

банкнинг бизнес-режада кўрсатилган мақсадларга эришишга қодир эмаслиги;

ташкил этиладиган банк билан яқин алоқаларга эга бўлган бир ёки бир неча шахснинг фаолиятини тартибга солувчи бошқа мамлакат қонунларида ёки норматив ҳужжатларида ушбу шахсларга нисбатан бошқа мамлакат ваколатли органларининг талаблари мавжудлиги ёхуд улар томонидан қўлланилган, Марказий банкнинг назорат қилиш вазифасини амалга оширишига тўсқинлик қилувчи тақиқлар ҳамда чекловлар қўлланилганлиги ёки Ўзбекистон Республикасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш борасида бошқа монеликларнинг мавжудлиги;

ушбу Қонун 16-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ Марказий банк томонидан сўралган қўшимча ҳужжатларнинг ва ахборотнинг тақдим этилмаганлиги.

Яқин алоқалар деганда икки ёки бир неча шахс қуйидагилар воситасида ўзаро боғлиқ бўлган ҳолат тушунилади:

юридик шахс овоз бериш ҳуқуқларининг ёки устав фондининг (устав капиталининг) камида йигирма фоизига бевосита эгалик қилишни ёки назоратни қўлга киритиш;

назорат қилиш;

икки шахс ёки барча шахслар ўртасида ёки шу шахслар ва учинчи шахс ўртасида ўрнатилган доимий назоратнинг мавжудлиги.

Назорат деганда шахслар ўртасидаги қуйидаги мезонлардан бирига мос келувчи ўзаро алоқа тушунилади:

шахс томонидан бошқа юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) устунлик қиладиган улушларга эгалик қилиш;

юридик шахснинг иштирокчиси (акциядори) бўлган шахснинг шу юридик шахс бошқарув органларининг кўпчилик аъзоларини тайинлаш ёки алмаштириш ҳуқуқи;

шахснинг юридик шахс фаолиятига, у билан тузилган шартномага ва (ёки) унинг устави қоидаларига мувофиқ таъсир кўрсатиш имконияти;

юридик шахснинг иштирокчиси (акциядори) бўлган шахснинг шу юридик шахс бошқарув органларининг овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириши натижасида ўзи тайинлаган аъзоларига таъсир кўрсатиш имконияти. Ушбу мезон, агар назорат ушбу қисмнинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқ бўлса, қўлланилмайди;

юридик шахснинг иштирокчиси (акциядори) бўлган шахснинг ўзининг бошқа иштирокчилари (акциядорлари) ёки аъзолари билан келишувга биноан мазкур юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) устунлик қиладиган улушларни бошқариш имконияти.

Марказий банкнинг асослантирилган мулоҳазаси банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этиш учун асос бўлади.

Дастлабки рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ушбу Қонун 16-моддасининг саккизинчи қисмида назарда тутилган муддатларда ва шаклларда, рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади.

Рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган камчиликлар бартараф қилинганлиги инобатга олинган ҳолда тақдим этилган ариза ва ҳужжатлар янгидан берилган деб ҳисобланади.

## **20-модда. Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш**

Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия олиш учун ариза берувчи банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатнома олинганидан кейин олти ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидагиларни тақдим этиши керак:

банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

ушбу Қонун билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган суммада банкнинг устав капитали шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек муассисларнинг рўйхати;

банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари тўғрисида уларнинг ушбу Қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқлигини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборот;

ташкил этилаётган банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлигининг ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларида санаб ўтилган барча ҳужжатларнинг электрон шаклдаги кўчирма нусхалари.

Башарти банкнинг фаолияти хавфсиз тарзда амалга оширилиши таъминланса ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини, шунингдек банк тизими лозим даражада ишлашини кафолатловчи корпоратив бошқарув талабларига риоя этилса, Марказий банк банкни давлат рўйхатига олиш ҳамда лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш ҳақидаги қарор ариза

барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда қабул қилинади.

Марказий банк тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш куни ичида ариза берувчини қабул қилинган қарор ҳақида ёзма шаклда, шу жумладан ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда хабардор қилади.

Лицензия берилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Банкнинг давлат рўйхатига олинганлиги ва унга лицензия берилганлиги тўғрисидаги ахборот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Лицензиянинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда лицензия Марказий банк томонидан чақириб олинади.

### **21-модда. Банкни давлат рўйхатига олишни ва лицензия беришни рад этиш**

Банкни давлат рўйхатига олишни ва лицензия беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Банкнинг шакллантирилган устав капитали миқдорининг банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш пайтида ушбу Қонун талабларига мувофиқ эмаслиги;

илгари баҳолашдан ўтган ва ушбу Қонуннинг 24-моддаси талабларига жавоб берган муассисларнинг, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорларнинг эндиликда ушбу модда талабларига мувофиқ эмаслиги;

муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг Марказий банкнинг малака талабларига мувофиқ эмаслиги;

банкнинг бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар ва ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлигининг ва дастурий таъминотининг Марказий банк талабларига мувофиқ эмаслиги.

Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ушбу Қонун 20-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган муддатда ва шаклларда, рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади.

Банкни рўйхатга олиш ва лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак ҳамда икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Ариза берувчи томонидан банкни давлат рўйхатига олишни ва лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ариза барча зарур ҳужжатлар билан олинган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқиш чоғида банкни давлат рўйхатига олишни ва лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

Банкни давлат рўйхатига олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза янгидан берилган деб ҳисобланади.

## **22-модда. Банк акцияларига эгаллик қилишга доир рухсатнома ва чеклов**

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган банк устав капиталидаги улушлар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олган шахслар томонидан ўзгартирилган тақдирда, ушбу Қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган тартибда хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Қуйидагилар биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар ҳисобланади:

1) банк акцияларини мувофиқлаштирилган (келишилган) тарзда сотиб олишни ёки шахсларнинг банк акцияларини биргаликда сотиб олиш ниятида эканлигини кўрсатувчи шартлар асосида банк акцияларини сотиб олган шахслар;

2) жалб этилган шахслар:

а) бошқа шахс устидан назоратни амалга оширувчи ёки бошқа шахснинг назорати остидаги ёхуд учинчи шахснинг биргаликдаги назорати остидаги шахслар;

б) овоз бериш ҳуқуқини олиш учун ёки овоз бериш ҳуқуқини биргаликда амалга ошириш учун битимларда бевосита ёки билвосита иштирок этувчи шахслар, агар битимнинг предмети бўлган улушлар (акциялар) уларга назоратни таъминласа;

в) юридик шахсга нисбатан раҳбарлик ваколатига ёки назорат қилиш ваколатига эга бўлган жисмоний шахслар;

г) юридик шахс бошқарув органлари аъзоларининг кўпчилигини тайинлаш ваколатига эга бўлган шахслар;

д) яқин қариндошлар (қариндошлик ёки қайин-бўйинчилик муносабатидаги шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ёки ўғай ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг назорати остидаги юридик шахслар);

3) назоратни амалга оширувчи юридик шахс ва унинг назорати остидаги юридик шахслар, шунингдек битта назорат қилувчи юридик шахснинг назорати остидаги юридик шахслар ўзаро;

4) юридик шахс ўз бошқарув органи аъзолари ва жалб этилган шахслари билан бирга, шунингдек ушбу шахслар ўзаро;

5) ўзининг молия-хўжалик фаолиятида айна бир шахс томонидан тақдим этилган ёки жалб этилган шахслар ҳисобланувчи турли шахслардан келиб тушаётган молиявий ресурслардан фойдаланувчи шахслар;

6) ўз иқтисодий фаолиятидан олинган нафни айна бир шахсга ёки жалб этилган шахслар бўлган турли шахсларга ўтказувчи шахслар;

7) асосан иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) ёки бошқарув органларининг бир хил таркибига эга бўлган юридик шахслар;

8) битта эмитент ёки жалб этилган шахслар томонидан чиқарилган молиявий воситаларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш орқали айнан ўхшаш инвестиция сиёсатини қабул қилган ёки амалга ошираётган шахслар;

9) банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар берадиган ҳуқуқларни ўхшаш ҳолда амалга ошириш орқали банкка нисбатан биргаликдаги узок муддатли сиёсатни олиб борувчи шахслар;

10) жалб этилган шахс (жалб этилган шахслар) бўлган айна бир шахсни (айни ўша шахсларни) молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш, манфаатларни ифодалаш ёки ўз эгалигида бўлган устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар ёки акциялар берадиган овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириш учун ваколатли вакил (ваколатли вакиллар) сифатида тайинлаган ёки тайинлайдиган шахслар;

11) банк билан боғлиқ бўлган операцияларни ўтказиш мақсадида ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга бирлашган шахслар;

12) бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) акцияларга ёки улушларга эга бўлган ёки эгалик қилувчи, уларнинг устидан назоратни амалга оширувчи ва уларга нисбатан биргаликда сиёсатни амалга оширувчи шахслар;

13) биргаликда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширган ёки амалга ошираётган шахслар;

14) Марказий банк томонидан асосли мулоҳаза асосида белгиланган бошқа шахслар.

Банклар бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банклар бошқа банкнинг устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва худудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

Агар банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган ариза Марказий банк томонидан монополияга қарши органнинг қарорини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади.

Ушбу модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномасиз тузилган банк акцияларини олишга оид битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Банк акциялари ушбу модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳажмда олганда Марказий банк рухсатномасини олиш талаб қилинади. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банкнинг акцияларини олган кундан эътиборан Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинадиган кунга қадар акциялар эгасининг ҳуқуқлари тўхтатиб турилади.

Акциядор ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банк акцияларини олган кундан эътиборан олтмиш кун ичида Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун ариза тақдим этиши керак. Акциядор томонидан ариза тақдим этилмаган тақдирда, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган банк акциялари олинган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа шахсга берилиши лозим.

### **23-модда. Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани бериш**

Потенциал олувчи банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банк томонидан белгиланган ҳужжатлар илова қилинган ҳолдаги аризани Марказий банкка тақдим этади. Марказий банк ариза олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида потенциал олувчига ариза олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юборади.

Биргаликда ҳаракат қилаётган, мўлжалланилаётган сотиб олиш муносабати билан банк акцияларини бевосита ёки билвосита, шу жумладан охирги бенефициар мулкдор сифатида олишни ният қилган шахс ёки шахслар гуруҳи потенциал олувчидир.

Марказий банк потенциал сотиб олувчини ариза олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юборилган кундан эътиборан икки ой ичида ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ баҳолашни амалга оширади.

Потенциал олувчи ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этмаган тақдирда, баҳолаш даври Марказий банк томонидан барча тегишли ҳужжатлар олинган кундан эътиборан бошланади.

Потенциал сотиб олувчининг ушбу Қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган мезонлардан биронтасига мувофиқ эмаслигини тасдиқловчи хужжатлар ва (ёки) ахборот мавжуд бўлган тақдирда, Марказий банк банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришни баҳолашни ўтказмасдан рад этишга ҳақли.

Марказий банк баҳолаш ўтказилаётган даврда потенциал олувчига баҳолашни тамомлаш учун зарур бўлган қўшимча хужжатларни ва ахборотни тақдим этиши тўғрисида сўровнома юборишга ҳақли.

Потенциал олувчи Марказий банкнинг сўровномасига биноан қўшимча хужжатлар ва ахборотни сўровнома олинган кундан эътиборан йигирма иш кунидан ошмаган муддатда тақдим этиши керак, шу вақт мобайнида баҳолаш даври тўхтатиб турилади. Потенциал олувчи чет элда жойлашган ёки унга нисбатан бошқа давлатнинг қонунлари татбиқ этилган тақдирда, Марказий банк қўшимча ахборот тақдим этиш даврини ўттиз иш кунигача узайтиришга ҳақли. Тақдим этилган ахборотни аниқлаштириш мақсадида Марказий банк томонидан потенциал олувчига юбориладиган кейинги сўровномалар баҳолаш даврининг тўхтатиб турилишига олиб келмаслиги керак.

Потенциал олувчи томонидан ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган муддатларга риоя этилмаган тақдирда, Марказий банк банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этишга ҳақлидир.

Марказий банк потенциал олувчининг сўровномаси асосида банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган асосланган қарорни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади. Марказий банк мазкур ахборотни потенциал олувчининг сўровномаси бўлмаса ҳам эълон қилишга ҳақли.

Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома олинган кундан эътиборан олти ой мобайнида юридик кучини сақлаб қолади.

Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани бекор қилиш банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **24-модда. Потенциал олувчини баҳолаш**

Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш чоғида Марказий банк:

потенциал олувчининг ишчанлик обрўсини;

мўлжалланаётган олиш амалга оширилганидан кейин тайинланиши назарда тутилаётган банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ишчанлик обрўси, билими, малакаси ва тажрибасини;

потенциал олувчининг молиявий салоҳиятини, хусусан акцияларини олиш мўлжалланилаётган банк фаолиятининг кўлами ва ихтисослашуви жиҳатидан салоҳиятини;

мўлжалланилаётган олиш амалга оширилганидан кейин банкнинг банк-

лар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган пруденциал талабларни бажара олиш имкониятини;

мўлжалланилаётган олиш борасида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга доир амалга оширилган ёки амалга оширилаётган уринишлар мавжудлиги ҳақидаги шубҳалар, шунингдек мўлжалланилаётган олиш амалга оширилганидан кейин шундай таваккалчиликнинг ортиши тўғрисидаги тахмин мавжуд эмаслигини;

потенциал олувчи фаолиятининг банк фаолияти билан уйғунлашуви эҳтимолини ва бунинг банк фаолиятининг ривожланишига таъсирини;

потенциал олувчи корпоратив бошқаруви ташкилий тузилмасининг ва унга алоқадор бўлган шахсларнинг банкни тартибга солишга ҳамда унинг устидан назорат қилишга доир таъсирини баҳолайди.

Бошқа шахсга алоқадор шахслар қўйидагилардан иборат:

юридик шахс бошқаруви органларининг аъзолари, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари;

бевосита ёки билвосита, якка тартибда ёки шахслар гуруҳи таркибида биргаликда фаолият кўрсатувчи, банкда ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорлар. Агар мазкур жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари банкнинг устав капиталидаги улушларга эгалик қилса ёки эгаликни назорат қилса, унинг миқдоридан қатъи назар, ушбу улуш мазкур шахснинг эгалигида ва назорати остида турган деб ҳисобланади;

бошқа шахс устидан назоратни амалга ошираётган ёки бошқа шахснинг назорати остидаги ёхуд учинчи шахснинг биргаликдаги назорати остидаги шахслар;

банк устидан назоратни амалга ошираётган шахслар ўзида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган юридик шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи — бешинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларга алоқадор шахслар, шу жумладан жисмоний шахснинг яқин қариндошлари, шунингдек жисмоний шахслар ва (ёки) уларнинг яқин қариндошлари ўзида назоратни амалга ошираётган ёки устав фондларида (устав капиталларида) улушларга эгалик қилаётган ёки бошқарув органининг аъзолари бўлган юридик шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб банк билан қайси шахслар орқали битим амалга ошириладиган бўлса, ўша шахслар ва мазкур шахслар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга оид фуқаровий ёки бошқа муносабатлар мавжудлиги туфайли мазкур битимда ушбу қисмнинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида кўрсатилган шахсларнинг таъсири остида деб ҳисобланадиган шахслар;

асослантирилган мулоҳаза асосида Марказий банк томонидан белгиланган бошқа шахслар.

Марказий банк потенциал олувчига дастлабки рухсатномани қўйидаги ҳолларда беради:

потенциал олувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мезонларга тўлиқ мос келса;

потенциал олувчи мўлжалланилаётган олишнинг охирги бенефициар мулкдори эмаслиги хусусида шубҳа мавжуд бўлмаса;

акциядорлар бўлган юридик шахсларнинг ҳаддан ташқари (потенциал олувчидан охирги бенефициар мулкдоргача учта поғонадан кўп) даражаларга табақалаштирилиши мавжуд бўлмаса;

ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда топширилган бўлса;

потенциал олувчи тақдим этган ҳужжатларда ва ахборотда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлмаса.

Марказий банк ушбу моддада назарда тутилган баҳолашни фақат банк акцияларига бевосита эгалик қилувчи ва охирги бенефициар мулкдор бўлган шахсга нисбатан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Марказий банк олинаётган улушнинг миқдорини белгилашга ва мўлжалланилаётган олишни бозорнинг иқтисодий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолашга ҳақли эмас.

Айни бир банкнинг ўзидан ҳал қилувчи эгаликни олиш ёки кўпайтириш учун бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ариза берилганда Марказий банк потенциал олувчиларни тенг шартлар асосида кўриб чиқади.

Потенциал олувчини баҳолаш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг талаблари ариза берувчи томонидан банк ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш учун ҳужжатларни тақдим этиш чоғида муассисларни баҳолашга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

### **25-модда. Акциядорнинг мувофиқлиги тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик**

Марказий банк ҳал этувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчига, шу жумладан охирги бенефициар мулкдорга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллашга қўйидаги ҳолларда ҳақлидир, агар улар:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос бўлмаса;

банкка унинг барқарор молиявий ҳолатига хавф туғдириши мумкин бўлган тарзда таъсир кўрсатаётган бўлса;

охирги бенефициар мулкдорнинг шахси тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаган бўлса.

Марказий банк банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олмасдан туриб келишилган фаолият натижасида ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда Марказий банк қўйидаги чоралар ҳамда санкцияларни алоҳида-алоҳида ёки жамланган тарзда қўллайди:

овоз бериш, акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш ва ўтказишни талаб қилиш, кун тартибига масалаларни киритиш, банк

кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳамда банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш ҳуқуқини тўхтатиб қўяди;

овоз бериш ҳуқуқи тўхтатиб қўйилган шахслар томонидан банк акциялари сотилиши тўғрисида қарор қабул қилади;

банк акцияларини олишга доир берилган дастлабки рухсатномани чакириб олади.

Ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорлар ўзига тегишли акцияларни банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома чакириб олинган кундан эътиборан уч ой ичида сотиши керак.

Ушбу моддага мувофиқ ўзига нисбатан чоралар ва санкциялар қўлланилган шахслар тегишли банкнинг, шунингдек бошқа банкларнинг акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилишга ҳақли эмас.

### **26-модда. Ҳал қилувчи эгалик сотиб олинганлиги, ўзгартирилганлиги ёки бошқаларга берилганлиги тўғрисидаги хабарнома**

Ҳал қилувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи, шу жумладан охириги бенефициар мулкдор қуйидаги ҳолларда Марказий банкни ва банкни ўн кунлик муддатда ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда хабардор қилиши шарт:

банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома олинган битим амалга оширилганда;

дастлабки рухсатнома олинган, ушбу Қонун 22-моддасининг биринчи қисмида белгиланган акциялар улуши кўпайганда;

банк устав капиталидаги ҳал қилувчи эгаликни бошқа шахсга бериш ёки камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш натижасида ҳал қилувчи эгалик тегишинча элик фойздан, йигирма фойздан ёки беш фойздан кам бўлиб қолганда;

ушбу Қонуннинг 22-моддаси биринчи қисмида белгиланган ҳажмдаги банк акциялари шахс томонидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда банк хабарнома олинган кундан эътиборан бир кунлик муддатда Марказий банкни ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда хабардор қилиши керак.

### **27-модда. Хабардор қилиш мажбурияти**

Банк банкнинг устав капиталидаги улушларга бевосита ва билвосита эгалик қилувчиларнинг, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорнинг шахси ва улушининг миқдори тўғрисидаги мавжуд маълумотларни Марказий банкнинг сўровномасига биноан тақдим этиши шарт.

Банк акцияларига бевосита ва билвосита эгалик қилувчининг, шу жумладан охириги бенефициар мулкдорнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолашдан ўтказиш мақсадида Марказий банкнинг ёки банкнинг сўровномасига биноан ушбу шахслар:

тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан йиллик молиявий ҳисоботни;

ўзига алоқадор шахслар ва эгалик қилувчи банкка нисбатан биргаликда ҳаракат қилаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Марказий банкка зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши шарт.

Марказий банк предмети ёки мазмуни қуйидагилардан иборат бўлган ҳар қандай тузилган келишув тўғрисида хабардор этилиши керак:

банк акциядорларининг умумий йиғилишларида ёки банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш ҳуқуқини келишилган ҳолда амалга ошириш;

банк бошқаруви органи аъзоларининг ёки банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг келишилган ҳолда фаолият кўрсатиши;

банк бошқаруви ёки қузатув кенгаши аъзоларининг номзодларнинг ёхуд банк устидан назоратни амалга оширувчи шахсларнинг кўпчилиги номзодини кўрсатиш ҳуқуқини амалга ошириш.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган хабарнома келишув имзоланган санадан эътиборан беш иш куни ичида ёки унинг мавжудлигини ошкор этувчи ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан дарҳол Марказий банкка келишув тарафлари ёки банкнинг бошқарув органлари томонидан юборилиши керак.

Ҳал қилувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи, шу жумладан охирги бенефициар мулкдор акциядорнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида шундай ҳолатлар вужудга келган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкни хабардор қилиши керак.

### **28-модда. Банклар томонидан ўз акцияларини сотиб олиш**

Банклар ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг ўн фоизидан ошиши мумкин эмас.

Банк ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банкка аризани ва ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини кўрсатган ҳолда банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини тақдим этади.

Банкнинг молиявий ҳолати қониқарсиз бўлса, шунингдек ушбу сотиб олиш пруденциал нормативларга риоя этилмаслигига олиб келса, Марказий банк дастлабки рухсатномани беришга ҳақли эмас.

### **3-боб. Филиаллар ва ваколатхоналар**

#### **29-модда. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари ва ваколатхоналари**

Банклар Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасида

филиаллар ташкил этиши, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин.

Банк филиали банкнинг юридик шахс бўлмаган, банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи ва банк томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи алоҳида бўлинмасидир.

Банк томонидан филиални ташкил этишга доир рухсатнома олиш учун банк кўйидагиларни илова қилган ҳолда Марказий банкка ариза беради:

банкнинг филиалини ташкил этиш ва банк филиали тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги банк қузатув кенгашининг қарори;

банкнинг филиали тўғрисидаги низом;

филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;

ташкил этилаётган банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бошқармасининг банк филиали бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганлиги, ускуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жиҳозланганлигининг ва дастурий таъминотнинг Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

филиални ташкил этишнинг иқтисодий асослари, шунингдек филиалнинг тахминий баланс ахборотномаси ва даромадлари тўғрисидаги тахминий ҳисоботи.

Банк томонидан филиал ташкил этишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган барча ҳужжатлар Марказий банк томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилиши керак.

Марказий банк кўйидаги ҳолларда банк филиалини ташкил этишга доир рухсатномани беради:

банкнинг молиявий ҳолати барқарор бўлганда;

пруденциал талаблар бажарилганда;

филиал раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига таклиф этилаётган номзодлар касбга мувофиқ бўлганда;

банк филиали бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқ бўлганда.

Марказий банк тегишли қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай банкни қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда, шу жумладан ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда хабардор қилади. Ҳужжатлар банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаблари асослантирилган ҳолда қайтариб юборилади.

Банкнинг филиали рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги ахборот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Рўйхатга олингунига қадар филиал томонидан амалга оширилган фаолият қонунга хилофдир.

Банк томонидан филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақ-

дирда, банк мижозларни филиал ёпилишидан ўн беш кун олдин хабардор қилиши ва уларнинг олдидаги мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш чораларини кўриши ёки бу мажбуриятларни мижоз билан келишилган ҳолда бошқа филиалга ўтказиши шарт.

Банк филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки иш куни ичида Марказий банкни хабардор қилиши ва мижозлар олдидаги мажбуриятларни бажаришни таъминлашга доир режани тақдим этиши керак.

Банк ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ очилади.

### **30-модда. Чет эл банкларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари ва ваколатхоналари**

Ўзбекистон Республикасида чет эл банклари томонидан филиаллар ташкил этилишига йўл қўйилмайди.

Чет эл банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳамда банк фаолиятини ва бошқа тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқсиз банкнинг манфаатларини ифодаловчи алоҳида бўлинмаси чет эл банкнинг ваколатхонасидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банкнинг ваколатхонаси Марказий банк томонидан аккредитация қилинади.

### **31-модда. Банкларнинг чет элдаги шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари**

Банклар Марказий банкнинг рухсатномаси билан қуйидаги ҳолларда чет элда шўъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин:

Марказий банк ва қабул қилувчи мамлакатнинг банк назорати органи билан ахборот айирбошлаш тўғрисида келишув мавжуд бўлганда;

қабул қилувчи мамлакатнинг қонун ҳужжатлари ва унинг қўлланилиш услубиёти Марказий банк томонидан шўъба банк, филиал устидан назорат вазибаларини бажаришига тўсқинлик қилмаганда;

банкнинг бошқаруви ва молиявий ҳолати шўъба банк, филиал орқали амалга ошириладиган, режалаштирилаётган фаолият учун етарли бўлганда;

пруденциал нормативлар кўрсаткичларига риоя этилганда ва улар ўсиб борганда ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг бошқа талабларига мувофиқ бўлганда.

Банкнинг шўъба банклари ҳамда ваколатхоналари улар очиладиган ва (ёки) ташкил этиладиган мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ очилади ва (ёки) филиаллари ташкил этилади.

Банк томонидан чет элда ваколатхона очиш, шўъба банкни, ваколатхонани ёки филиални ёпиш, шунингдек чет эл банки акцияларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк бундай қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида Марказий банкни хабардор қили-

ши ва ушбу қарор банкнинг молиявий барқарорлигига қандай таъсир кўрса-тиши тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

Марказий банк қабул қилувчи мамлакатдаги банк назорати органини Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси бўлган, мазкур мамлакат ҳудудида шўъба банк, ваколатхона ёки филиал орқали фаолият кўрсатаётган банкнинг лицензияси чақириб олинаётганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

#### **4-боб. Банкнинг корпоратив бошқаруви**

##### **32-модда. Банкнинг бошқарув органлари**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органларидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

Банк корпоратив бошқарувга оид сиёсатни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шарт.

Банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг ваколатлари ижро этиш учун учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

##### **33-модда. Корпоратив бошқарув**

Банк:

жавобгарликнинг шаффоф соҳаларини;

банк дучор бўлган ёки дучор бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар ҳақида хабардор этишнинг самарали тартиб-таомилларини (танглик вазиятининг содир бўлиши сценарийларини);

операцияга оид таваккалчиликнинг ўрнини қоплаш учун ликвидликни ва капиталнинг етарлигини баҳолаш тартиб-таомиллини;

ички назоратнинг тегишли механизмларини, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини;

таваккалчиликларни оқилона ҳамда самарали бошқаришга қўмаклашадиган ҳамда мос келадиган ходимларни мукофотлашнинг сиёсати ва усулларини белгиловчи корпоратив бошқарувнинг аниқ ифодаланган ташкилий тузилмасига эга бўлиши керак.

Корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, тартиб-таомиллари ва механизмлари комплекс тусга эга бўлиши ҳамда банк амалга ошираётган бизнес-модель ва фаолиятга хос бўлган таваккалчиликларнинг хусусияти, миқёси ҳамда мураккаблигига мувофиқ бўлиши керак. Ички назорат механизмлари камида бошқарув вазифалари бажарилишини ва таваккалчиликлар баҳоланишини ҳамда ички аудит талабларига риоя этилишини таъминлаши керак.

Банклардаги корпоратив бошқарувга доир талаблар Марказий банк томонидан белгиланади.

**34-модда. Банкнинг кузатув кенгаши**

Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

Банк кузатув кенгашининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини назарда тутилган ваколатлари жумласига қўшимча равишда қуйидагилар кирилади:

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чоракда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

банкнинг ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк ички аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида банк бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;

банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолаш-

ни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш.

Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари сони, банк акциядорлари сонидан қатъи назар, беш кишидан кам бўлмаган миқдорда тоқ сонда бўлиши лозим. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

Банк кузатув кенгаши аъзолари ўз мулоҳазаларининг мустақиллиги бўйича талабларга риоя этиши керак.

Қуйидаги ҳолларда шахс кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади, агар:

шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса.

### **35-модда. Банк бошқаруви**

Банк бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, у банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқаруви амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.

Банк бошқаруви:

стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириши;

банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлаши;

банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этиши;

банк уставида ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

Банк бошқаруви банк акциядорларининг умумий йиғилишига ва кузатув кенгашига ҳисобдордир.

### **36-модда. Раҳбарлик принципларини қўллаш**

Банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Банк банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

Марказий банк банк кузатув кенгашининг ва бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодларни уларнинг лавозимга киришишидан олдин келишиб олади. Агар муҳим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк кейинчалик розилик олиш учун сўровнома юбориши керак.

Банк бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши мумкин, бундан уларнинг бошқа банклар ва ташкилотларда ишга жойлашуви манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Банк кузатув кенгашининг ва бошқарувининг аъзоларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларни баҳолаш шартлари, баҳолаш учун зарур ҳужжатлар, малака талабларига мувофиқлик мезонлари, шунингдек уларни келишиб олиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

### **37-модда. Коррупциянинг олдини олиш чоралари, банк ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги**

Банклар банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари томонидан рияз этилиши мажбурий бўлган:

коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни;

одоб-ахлоқ қоидаларини;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Банкка ёки банкнинг назорати остидаги юридик шахсга алоқадор бўлган шубҳали фаолият, фирибгарлик ёхуд суиистеъмоликлар тўғрисида хабар қилган банк кузатув кенгаши, бошқаруви аъзосининг ёки ходимининг шахси ошкор қилинмаслиги керак.

## 5-боб. Пруденциал талаблар ва таваккалчиликларни бошқариш

### 38-модда. Банклар ва банк гуруҳлари томонидан пруденциал нормативларга риоя этиш

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банклар ва банк гуруҳлари ҳисоблаб чиқариш тартиби ва йўл қўйиладиган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланадиган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт.

Пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

капиталнинг монандлик коэффицентлари;

бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

йирик кредит таваккалчиликларининг ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори;

соҳалар кесимида тўпланиш (концентрация) коэффицентлари;

ликвидлик коэффицентлари;

банкнинг алоқадор шахслари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

таъминотсиз кредитлар (ишончга асосланган кредитлар) беришнинг энг кўп миқдори;

банкнинг активларини таснифлашга ва уларнинг сифатини баҳолашга, банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни активларни таснифлаш асосида шакллантиришга доир талаблар;

банк активлари бўйича фоизларни ҳисоблаш ва уларни банкнинг даромадлар ҳисобварағига киритишга доир талаблар;

юримдик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) сотиб олинадиган улушлар ва акцияларнинг энг кўп миқдори;

кўчмас мулкни ва бошқа мол-мулкни сотиб олишга ҳамда унга эгалик қилишга доир талаблар;

очиқ валюта мавқеи лимитлари;

умум қабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ Марказий банк томонидан белгиланадиган бошқа пруденциал нормативлар.

Банклар активлар бўйича йўқотишларга оид таваккалчиликни камай-тириш мақсадида ўзининг капиталини ва ликвид ресурсларини етарли даражада сақлаб туриши, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни активларни таснифлаш асосида шакллантириши, шунингдек ўз активларининг диверсификация қилинишини таъминлаши керак.

Марказий банк банклар, банклар гуруҳи ва тизимли аҳамиятга эга банклар учун мазкур банкка, тизимли аҳамиятга эга банкка ва банклар гуруҳига хос таваккалчилик омилларининг энг кўп ўзгаришлари чоғида юзага келадиган эҳтимолдаги зарарларнинг ўрнини қоплаш учун ликвидлик ва капиталнинг етарлилик коэффицентларига қўшимча устамалар белгилашга ҳақли.

Пруденциал нормативларга келгусидаги ўзгартишлар ушбу ўзгартиш-

лар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Марказий банк томонидан расман эълон қилинади.

### **39-модда. Фойданинг тақсимланишини чеклаш**

Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қўйидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:

пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс этирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда.

Банклар қўйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши керак:

ушбу модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўловларнинг умумий суммаси банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортиганда;

жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

### **40-модда. Мажбурий захиралаш талаблари**

Банклар Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захиралаш талабларини бажариши шарт.

Банк мажбурий захиралаш талабларини бажармаган тақдирда, Марказий банк қатъий тартибда бу банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан етишмаётган мажбурий захира маблағлари миқдоридаги суммани, шунингдек ушбу етишмаётган суммага нисбатан амалдаги қайта молиялаш йиллик ставкасининг икки бараваридан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади.

### **41-модда. Банк хизматлари ва операцияларининг аутсорсинги**

Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини банк томонидан шартнома асосида ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун учинчи тарафга топшириш банк хизматлари ва операцияларининг аутсорсингидир (бундан буюн матнда аутсорсинг деб юритилади).

Банк Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эга.

Лицензия асосида амалга ошириладиган хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини фақат тегишли лицензия эгасига аутсорсингга топширишга йўл қўйилади.

Банк хизматлари ва операцияларининг айрим турлари ўзига аутсорсингга топширилган шахснинг мазкур хизматлар ҳамда операцияларни кейинчалик бошқа шахсга аутсорсингга топшириши тақиқланади. Мазкур чеклов банк томонидан хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топшириш тўғрисидаги шартномада акс эттирилиши керак.

Банк аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари билан боғлиқ таваккалчиликларнинг бошқарилиши учун жавобгар бўлади.

Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топширишда банк Марказий банкнинг талабларига, шу жумладан ички сиёсатлар ва ҳисоботдорлик мавжудлиги бўйича, шунингдек Марказий банкка аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари юзасидан ахборот тақдим этиш бўйича талабларига жавоб бериши керак.

Банклар аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари ташқи аудитдан ўтказилишини ҳар йили ёки Марказий банкнинг талабига биноан таъминлаши шарт.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда аутсорсинг шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли:

банк томонидан аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг лозим даражадаги ҳамда мунтазам равишдаги назорати, текшируви ва таваккалчилик бошқаруви амалга оширилмаганда;

аутсорсинг учун жалб этилган шахс фаолиятида банкнинг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятига таҳдид солувчи камчиликлар мавжуд бўлганда.

#### **42-модда. Банк ва банклар гуруҳининг ички назоратига ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар**

Банк ва банклар гуруҳи Марказий банк томонидан белгиланган ички назоратга ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талабларга риоя этиши шарт. Марказий банкнинг талаблари банк амалга ошираётган фаолият турининг тизимли аҳамиятини, ўзига хос хусусиятини, миқёсини ва мураккаблигини мутаносиблик принципини инобатга олган ҳолда ҳисобга олади.

Банк ва банклар гуруҳининг ички назоратига ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир Марказий банк талаблари жумласига қуйидагилар киради:

ички ва ташқи фойдаланувчилар учун молиявий, назоратга оид ҳамда бошқа ҳисоботларнинг тўлиқлигини, ишончлилигини ва ўз вақтидалигини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

банк томонидан пруденциал талаблар бажарилишини таъминлаш;

банкда банк учун аҳамиятли бўлган таваккалчиликларни аниқлаш ва бошқариш, стресс-тестдан ўтказиш бўйича тасдиқланган сиёсатининг, шунингдек банк учун аҳамиятли таваккалчиликлар ва капитал бўйича ҳисобот тизимининг мавжудлиги;

банк учун аҳамиятли таваккалчиликларни бошқаришга ва уларнинг самарадорлигини баҳолашга доир сиёсатларнинг банк томонидан изчил амалга оширилиши ҳамда уларга рия этилиши;

банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган таваккалчиликларнинг энг юқори миқдорларига ва капиталнинг монандлигига, таваккалчиликларни бошқариш бўйича банкда қўлланилаётган тартиб-таомилларнинг самарадорлигига ҳамда уларни қўллаш изчиллигига банкнинг рия этиши устидан кузатув кенгаши томонидан назоратни амалга ошириш.

**43-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига банклар томонидан рия этилиши**

Банклар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига рия этиши шарт.

**44-модда. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш**

Банкларнинг банкка алоқадор бўлган шахслар билан ёки бундай шахслар номидан ҳаракат қиладиган шахслар билан тузадиган шартномалари банкка алоқадор бўлмаган шахслар учун назарда тутилган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланган ҳолларда уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Анча қулай шартларни тақдим этиш қўйидагиларни англатади:

банк банкка алоқадор бўлмаган шахслар билан уларнинг табиати, мақсади, хусусиятлари ва банкнинг таваккалчилигидан келиб чиқиб тузмайдиган битимни банкка алоқадор шахс билан ёки шундай шахснинг манфаатларини кўзлаб тузилишини;

бошқа шахсларга нисбатан молиявий операцияларни амалга оширганлиги учун пастроқ тарзда мукофотлар олинишини ва тўловларни пастроқ тарзда ундирилишини ёки таъминотни бошқа шахслардан талаб қилинадиган қийматдан юқорироқ қиймат бўйича қабул қилинишини.

Банк ўзига алоқадор шахсларга таъминланмаган (ишончга асосланган кредитлар) кредитлар (қарзлар) бериши мумкин эмас.

Банк ўзига алоқадор шахслар билан ушбу модданинг талабларини ҳисобга олган ҳолда фақат банк кузатув кенгашининг қарорига кўра битимлар тузиши мумкин. Агар шахс банк билан битим тузиш бўйича шартнома имзоланганидан кейин банкка алоқадор шахсга айланса, банкнинг кузатув кенгаши шахс банкка алоқадор шахсга айланган кундан эътиборан ўттиз кун ичида мазкур шартномани маъқуллаши ёки уни бекор қилиш тўғрисида фармойиш бериши керак.

Кузатув кенгашининг аъзоси банк билан ўзи ўртасида ёки ўзига алоқадор шахс ўртасида тузилган ёки тузиладиган битим масаласи кўрилади-ган кузатув кенгаши йиғилишида ҳозир бўлмаслиги, кузатув кенгаши қабул қиладиган қарорга таъсир кўрсатишга уринмаслиги керак.

Банк ўзига алоқадор бўлган шахслар билан тузилган битимларнинг алоҳида рўйхатини юритиши ва Марказий банкни банкка алоқадор шахслар билан битимлар тузилиши олдидан хабардор этиши шарт.

### **6-боб. Банкларнинг фаолияти устидан пруденциал назорат ва назорат тадбирлари**

#### **45-модда. Пруденциал назорат**

Банк фаолиятининг ўзига хос таваккалчиликларининг олдини олиш ва қисқартириш мақсадида Марказий банк, башарти банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилса, банклар фаолияти устидан пруденциал назоратни таъминлайди.

Пруденциал назоратни таъминлаш учун Марказий банк:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг пруденциал талабларига мувофиқ бўлиши учун банклар томонидан фойдаланиладиган тизимлар, стратегиялар, тартиб-таомиллар ҳамда механизмлар устидан;

банкларга таҳдид солаётган ёки таҳдид солиши мумкин бўлган таваккалчиликлар, оқилона бошқарув таъминланганлиги ҳамда таваккалчиликларни мувофиқлаштирувчи механизмлар банкларнинг капитали ва ликвидлиги билан қопланганлиги устидан;

банкларнинг таваккалчиликни бошқариш, шунингдек корпоратив бошқарув жиҳатидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга оширади.

Банклар ўзининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг пруденциал талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни Марказий банкка тақдим этиши шарт.

Банкларнинг ички бошқарув механизмлари, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг юритилиши, шунингдек маъмурий тартиб-таомиллари банкларнинг пруденциал талабларга мувофиқлигини текшириш имконини бериши керак.

Банклар Марказий банк томонидан пруденциал талабларга мувофиқликни текшириш учун битимлар ва операцияларни Марказий банк томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ рўйхатга олиши шарт.

Марказий банк банклар капиталининг монандлигини уларнинг таваккалчиликлари соҳасидан келиб чиқиб баҳолаш учун уларнинг фаолияти, ташкил этилиши ва ички жараёнлари тўғрисида ахборот олиш мақсадида банклар билан ҳамкорлик қилади.

Зарур ҳолларда Марказий банк назорат вазифаларини бажариш учун ташқи экспертларни жалб этишга ҳақли.

**46-модда. Текшириш ва баҳолаш жараёни**

Марказий банк банклар томонидан фойдаланиладиган тизимлар, стратегиялар, тартиб-таомиллар ҳамда механизмларнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади, шунингдек банкларнинг мавжуд ва эҳтимолдаги таваккалчиликларини, шу жумладан алоҳида банклар томонидан банк (молия) тизимига хавф солувчи таваккалчиликларни баҳолайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган текширувлар ва баҳолашларда банклар томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши зарурлиги ҳисобга олинади.

Марказий банк ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган текширувлар ва баҳолашларнинг натижалари асосида банк фаолиятининг ихтисослашуви, миқёси ва мураккаблигини, шунингдек оқилона бошқарувнинг таъминланганлиги ҳамда таваккалчиликларнинг ўрни банкнинг регулятив мувофиқлик механизмлари, капитали ва ликвидлиги билан қопланганлиги даражасини аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган текширувлар ва баҳолашларни ўтказиш даврийлиги ва даражаси Марказий банк томонидан мутаносиблик принципидан, шунингдек банк фаолиятининг тизимдаги аҳамияти, ихтисослашуви, миқёси ва мураккаблигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан келишувларсиз ва хабар берилмасдан мустақил равишда белгиланади.

**47-модда. Пруденциал назорат дастури**

Марказий банк ҳар йили банклар фаолияти устидан пруденциал назорат дастурини тасдиқлайди, бу дастур қуйидагиларни ўз ичига олади:

стресс-тест натижалари молиявий барқарорлигида сезиларли таваккалчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатган ёки банк фаолияти банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмаслиги тахмин қилинган банклар;

тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар;

Марказий банкнинг фикрига кўра қўшимча назорат қилиниши талаб этиладиган банклар.

Пруденциал назорат дастури:

Марказий банк томонидан назорат вазифаларини амалга ошириш ва ресурсларни тақсимлаш тартибини;

қўшимча назорат қилиниши лозим бўлган банкларни аниқлаш тартиб-таомилини ва ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ уни амалга ошириш учун зарур бўлган чораларни;

банкларни текшириш режасини ўз ичига олади.

Марказий банк банкнинг таваккалчиликларини баҳолаш натижаларини ҳисобга олиб, қуйидагиларни ўз ичига олган тегишли чораларни кўриши мумкин:

банкдаги текширувларнинг даврийлигини ошириш;

банк томонидан қўшимча ҳисоботлар тақдим этиш;

банк томонидан бизнес-режанинг бажарилиши устидан қўшимча текширувлар ўтказиш;  
муайян таваккалчиликлар бўйича мавзули текширувлар ўтказиш.

#### **48-модда. Консолидациялашган назорат**

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банклар устидан консолидациялашган назоратни амалга ошириши керак:

банклар гуруҳи ташкил этилганда;

Марказий банк томонидан банкни асосий банк деб ёки асосланган мулоҳазаларга кўра банк гуруҳининг аъзоси деб белгиланганда.

Банк фақат битта банклар гуруҳининг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Марказий банк самарали ҳамкорликни, ахборот алмашинувини ташкил этиш ва консолидациялашган асосда самарали назорат ўрнатиш мақсадида бошқа мамлакатларнинг банк назорати органлари билан (агар мавжуд бўлса) мазкур мамлакатларнинг қонунлари билан қўриқланадиган сирларга, шахсга доир маълумотлар ва махфий ахборотдан фойдаланиш тартибига риоя этган ҳолда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида ёзма келишувлар тузишга ҳақли.

Банклар устидан консолидациялашган назоратни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари Марказий банк томонидан белгиланади.

#### **49-модда. Банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режаси**

Банк ўзининг молиявий аҳволи ёмонлашган тақдирда Марказий банкнинг талабига кўра уни тиклаш чораларини ўз ичига олган банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режасини (бундан буюн матнда тиклаш режаси деб юритилади) ишлаб чиқади ҳамда кўриб чиқиш ва баҳолаш учун тақдим этади.

Банк тиклаш режасини ҳар йили ёки банкнинг ташкилий тузилмасида, унинг фаолиятида ёки молиявий аҳволида тиклаш режасига таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришлардан кейин янгилаши керак.

Банкнинг тиклаш режаси макроиқтисодий ва молиявий инқироз кўринишларининг банк фаолиятига таъсирини, шу жумладан тизимга оид ҳодисаларни ва мазкур банк учун таваккалчиликларни ўзида акс эттириши керак.

Банкни тиклаш режаси тегишли қарорлар қабул қилиниши керак бўлган ҳолатни аниқловчи чора-тадбирлар рўйхатини ва кўрсаткичларини ўз ичига олиши керак.

Тиклаш режаси банк томонидан тақдим этилган кундан эътиборан уч ой ичида Марказий банк уни кўриб чиқади ва ушбу режанинг қуйидаги мезонларга мувофиқлигини баҳолайди:

тиклаш режасида кўрсатилган чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда, банкнинг молиявий мавқеини сақлаб қолиши ва (ёки) тиклаши;

молиявий инқироз шароитида тиклаш режасида кўрсатилган чора-тадбирларни тез ва самарали амалга ошириш, шунингдек банк ва молия тизимида салбий таъсирларни камайтириш имконияти.

Тиклаш режаси ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган мезонларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Марказий банк банкдан:

тиклаш режасини қайта кўриб чиқишни;

тиклаш режасига Марказий банк томонидан белгиланган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

тиклаш режасидаги камчиликларни ёки уни амалга ошириш борасидаги тўсиқларни бартараф этиш учун зарур бўлган, ўз фаолиятига киритиладиган ўзгаришларни банк томонидан аниқлашни;

таваккалчиликлар соҳасини камайтиришни;

банкни қайта капиталлаштириш чоралари ўз вақтида кўрилишини;

банкни ривожлантириш стратегиясини қайта кўриб чиқишни;

банк бошқарувининг ташкилий тузилмасини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модда олтинчи қисмининг бешинчи — саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган чора-тадбирлар, агар ушбу модда олтинчи қисмининг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган чора-тадбирлар тиклаш режасининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминламаса, қўлланилади.

Банклар гуруҳининг асосий банки гуруҳ даражасида ўзининг молиявий ахvoli ёмонлашганидан кейин тиклаш учун кўриладиган чора-тадбирларни ўз ичига олувчи банк гуруҳини тиклаш режасини ишлаб чиқиши керак.

Банклар гуруҳини тиклаш режаси банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Банкни тиклаш режасининг мазмунига ва янгиланишига оид талаблар, уни тақдим этиш ва баҳолаш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

### **50-модда. Назоратга доир вазифалар**

Марказий банк назоратга доир вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

банклардан, уларга алоқадор шахслардан ва ўз назорати остидаги шахслардан, банк томонидан аутсорсингга берилган хизматлар ва операцияларни амалга оширувчи шахслардан олинган ҳисоботларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни олиш ва текширишга, ахборотга тушунтириш беришни талаб қилишга;

банкларнинг, банк томонидан аутсорсингга берилган хизматлар ва операцияларни амалга оширувчи шахсларнинг, шунингдек консолидациялашган асосда назорат қилиниши лозим бўлган бошқа шахсларнинг фаолиятини текширишга;

банкларнинг ахборот тизимларидан ва маълумотлар базасидан фойдаланишга ҳақлидир.

### **51-модда. Назорат чоралари**

Марказий банк қўйидаги ҳолларда банклардан ёки банк гуруҳларидан зудлик билан зарур чоралар кўришни талаб қилишга ҳақли:

банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолияти банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаганда;

банк ёки банклар гуруҳи томонидан кейинги ўн икки ой давомида банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши эҳтимоли тўғрисида Марказий банкнинг мулоҳазаларига асосланган ахборот мавжуд бўлганда;

Марказий банк томонидан банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолиятига ва (ёки) ахборот хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таваккалчиликлар аниқланганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолларда Марказий банк банкдан ёки банклар гуруҳидан:

капитал бўйича пруденциал нормативларнинг Марказий банк томонидан белгиланган талаблардан юқори миқдорда бўлишини таъминлаш ва сақлаб туришни;

корпоратив бошқарувни, таваккалчиликларни бошқаришни, ички назоратни ва банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режасини такомиллаштиришни;

банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолияти банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тақдим этишни;

банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан ўз активлари тузилмасини ўзгартириш ва харажатларини қисқартириш, банкни қайта ташкил этиш, банк филиалини ёки бошқа бўлинмаларини ёпиш бўйича тадбирларни банк томонидан амалга оширишни;

капиталга доир талабларни ҳисобга олган ҳолда яқка тартибдаги захиралаш талабларини ёки активларни бошқариш усулларини қўллашни;

банкнинг ёки банклар гуруҳининг барқарорлигини сезиларли даражада ёмонлаштирувчи таваккалчиликларга сабаб бўладиган айрим молиявий операцияларни амалга оширишга ва уларнинг инфратузилмасини кенгайтиришга нисбатан белгиланган чекловларга ва (ёки) тақиққа банк томонидан риоя этилишини;

банкнинг фаолиятига, хизматларига, молиявий операцияларига ва ички тизимига хос бўлган таваккалчиликнинг пасайтирилишини;

соф фойданинг банкнинг устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилишини;

акциядорларга ёки қўшимча капитал воситаларини сақловчиларга дивидендлар ва субординар қарзлар бўйича фоизлар тўлашга доир чекловларнинг ва (ёки) тақиқнинг бажарилишини;

банк ходимларига соф фойдадан фоизлар тарзида тўланадиган мукофот тўловлари бўйича чекловларнинг ва (ёки) тақиқнинг бажарилишини, агар мазкур тўловлар оқибатида капиталга доир талабларга банк мувофиқ бўлмаса ёки унинг ушбу талабларга мувофиқ эмаслиги эҳтимоли бўлса;

чеклов амал қилиши даврида тузиладиган (муддати узайтириладиган) банк омонатлари бўйича банк омонати шартномаларида белгиланган фоиз ставкаси миқдори бўйича чекловни бажаришни;

кўшимча ҳисоботлар тақдим этилишини;

банк ликвидлигига оид муаммоларнинг олдини олиш мақсадида тўловларнинг узлуксизлиги, молиявий манбаларнинг тегишли тузилмаси ҳамда активлар ва мажбуриятларнинг муддатлар бўйича мутаносиблиги учун зарур бўлган ликвид активларнинг энг кам суммасини сақлаб туриш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини;

банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишни, акциядорлар Марказий банк томонидан белгиланган масалаларни, шу жумладан банк капиталини банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлай оладиган миқдоргача кўпайтириш масаласини кўриб чиқишни;

банк кузатув кенгашининг битта ёки ундан ортиқ аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, бошқарувининг битта ёки ундан ортиқ аъзосини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларини эгаллаб турган лавозимидан четлатишини ёки алмаштиришини;

банк бошқаруви томонидан бир неча ёки барча кредиторларнинг қарзларини реструктуризация қилишга доир тадбирлар режасининг ишлаб чиқилишини;

кўшимча маълумотларнинг ошкор этилишини;

Марказий банкнинг бошқа кўрсатмалари бажарилишини талаб қилишга ҳақли.

Банк кузатув кенгаши томонидан ушбу модда иккинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисида кўрсатилган талаб бажарилмаган тақдирда Марказий банк акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиритишга ва кун тартибини белгилашга ҳақли.

## **52-модда. Вақтинчалик бошқарувчи**

Агар кузатув кенгашининг ёки бошқарувнинг битта ёки бир неча аъзосини алмаштириш бўйича Марказий банк томонидан амалга оширилган назорат чоралари етарли эмас деб ҳисобланса, Марказий банк:

кузатув кенгаши ва бошқарув аъзолари билан вақтинчалик ишлашга;

кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларини вақтинчалик алмаштиришга;

банкка битта ёки бир неча вақтинчалик бошқарувчини тайинлашга ҳақли.

Вақтинчалик бошқарувчи ушбу Қонун 36-моддасининг талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Банк акциядори, қарз олувчиси, кредитори ёки банкка алоқадор шахс банкнинг вақтинчалик бошқарувчиси этиб тайинланиши мумкин эмас.

Марказий банк вақтинчалик бошқарувчини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, унинг ваколатларини банк уставига ва ушбу Қонунга мувофиқ белгилаш бўйича мутлақ ҳуқуққа эга.

Марказий банк томонидан белгиланган ҳолларда вақтинчалик бошқарувчининг ҳаракатлари Марказий банк билан олдиндан келишилиши керак.

Олдиндан келишмай туриб амалга оширилган ҳаракатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вақтинчалик бошқарувчи Марказий банкка банкнинг молиявий аҳволи ва ўз ваколатлари доирасида кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларни Марказий банк томонидан белгиланган муддатларда, шунингдек амалга оширилган ишлар ҳақидаги якуний ҳисоботни тақдим этади.

Марказий банк вақтинчалик бошқарувчининг зиммасига ушбу Қонунга мувофиқ чоралар кўриш, шу жумладан банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ва капитални кўпайтириш тўғрисида талаб қўйиш мажбуриятини юклатишга ҳақли.

Вақтинчалик бошқарувчи ўн икки ойгача бўлган муддатга тайинланади. Бу муддат алоҳида ҳолларда Марказий банк томонидан узайтирилиши мумкин.

Банкда вақтинчалик бошқарувни амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

### **7-боб. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун Марказий банк томонидан қўлланиладиган чоралар ҳамда санкциялар**

#### **53-модда. Чораларнинг ва санкцияларнинг қўлланилиши**

Марказий банк ушбу Қонуннинг 54, 55 ва 56-моддаларида кўрсатилган қоидабузарликлар учун жавобгар бўлган банкка, унинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларига, шунингдек банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимларига нисбатан чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

Қоидабузарликлар қўпол, жиддий ва жузъий қоидабузарликларга бўлинади.

Чоралар ва санкцияларни қўллаш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Чоралар ва санкциялар қўлланилганда Марказий банк қуйидагиларни ҳисобга олади:

таваккалчиликнинг даражасини, қоидабузарликларнинг хусусиятини, миқёсини ва оқибатларини;

қоидабузарликларнинг тизимлилигини ва давомийлигини;

йўл қўйилган қоидабузарликларнинг молиявий ҳолатга таъсирини;

қўлланиладиган чоралар ва (ёки) санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имкониятини;

аниқланган қоидабузарликларнинг ва (ёки) таваккалчиликларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни;

илгари қўлланилган чоралар ва санкцияларнинг самарадорлигини (натижадорлигини);

банк, бевосита ва билвосита акциядор томонидан, шу жумладан охирги бенефициар мулкдор, кузатув кенгашининг ва бошқарувнинг аъзоси, банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходими томонидан қоидабузарликларни бар-тараф этишга қаратилган мустақил чоралар кўрилишини.

**54-модда. Қўпол қоидабузарликлар**

Қўпол қоидабузарликлар жумласига қуйидагилар киради:

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги;

содир этилиши учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳаракатларнинг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олмай туриб амалга оширилганлиги;

банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолиятидаги қўпол қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги Марказий банк кўрсатмаларининг белгиланган муддатда бажарилмаганлиги;

фойдани тақсимлашда ушбу Қонуннинг 39-моддасида кўрсатилган талабларнинг бажарилмаганлиги;

банк устав капитали миқдори банк устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан белгиланган талабга мувофиқ эмаслиги;

банк ёки банклар гуруҳи капитали монандлиги коэффицентининг олти ойдан кўпроқ муддат давомида Марказий банк томонидан белгиланган йўл қўйиладиган энг кам миқдордан саксон фоизгача ва ундан камроқ фоизгача пасайганлиги;

банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши етарлича захиранинг мавжуд эмаслиги;

лицензияда назарда тутилмаган молиявий операциялар амалга оширилганлиги;

ушбу Қонун билан тақиқланган ёки чекланган фаолият амалга оширилганлиги;

банкка алоқадор бўлган шахслар билан анча қулай шартлар асосида битимлар тузилганлиги;

бухгалтерия ҳисобининг ҳисоботга оид маълумотлар бузилишига олиб келадиган ва банкнинг ёки банклар гуруҳининг ҳақиқий молиявий аҳволини акс эттириш имконини бермайдиган қоидабузарликлар билан юритилганлиги;

аудиторлик ташкилотига банкнинг аудиторлик текширувини ўтказиш учун зарур бўлган молиявий ҳисоботлар ва бошқа молиявий ахборотлар тақдим этилмаганлиги;

Марказий банк томонидан назорат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилинганлиги;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

Марказий банкка ахборотни тақдим этмаганлик, ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки банкнинг ёки банклар гуруҳининг тўлов лаёқатини ёхуд ликвидлигини баҳолашни ўтказишга тўсқинлик қилувчи бузилган ёки тўлик бўлмаган ахборот тақдим этилганлиги;

охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги ахборотнинг ошкор этилмаганлиги;

бошқарувнинг ташкилий тузилмасида, ички назоратда, шунингдек та-

ваккалчиликларни бошқариш тизимида банкнинг тўлов лаёқатига таҳдид солувчи ёки зарар кўрилишига олиб келувчи нуқсонларнинг мавжудлиги;

тизимли аҳамиятга эга банклар томонидан Марказий банкнинг буфер капиталига оид талабларига риоя этилмаганлиги;

банк томонидан айрим молиявий операцияларни амалга ошириш ёки филиаллар очишга доир чекловларга ва (ёки) тақиққа риоя этилмаганлиги;

банк томонидан банкнинг молиявий аҳволини тиклаш режаси тақдим этилмаганлиги;

банкнинг кузатув кенгаши ва бошқарув аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ушбу Қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқ эмаслиги;

банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги;

жиддий қоидабузарлик учун Марказий банк томонидан жарима қўлланилганидан кейин беш йил давомида такроран содир этилган худди шундай қоидабузарлик.

#### **55-модда. Жиддий қоидабузарликлар**

Жиддий қоидабузарликлар жумласига қуйидагилар киради:

пруденциал нормативларга риоя этилмаганлиги, бундан банк устав капиталининг энг кам миқдорига оид талаблар мустасно;

банк ёки банклар гуруҳи капитали монандлиги коэффицентининг олти ойдан кўп бўлмаган муддат давомида Марказий банк томонидан белгиланган йўл қўйиладиган энг кам миқдордан саксон фоизгача ва ундан камроқ фоизгача пасайганлиги;

банклар томонидан тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаганлиги;

молиявий аҳволи барқарор бўлмаган қарз олувчиларнинг кредитлари реструктуризация қилинганлиги;

Марказий банкнинг аниқланган қоидабузарликлар тўғрисида банк акциядорларининг умумий йиғилишини хабардор қилишга доир талаби банкнинг кузатув кенгаши ёки бошқарув аъзолари томонидан бажарилмаганлиги;

банкнинг кузатув кенгаши ёки бошқарув аъзолари ёхуд муҳим аҳамиятга эга ходимлари томонидан корпоратив бошқарув ва мукофотлаш сиёсатлари бажарилмаганлиги;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш қоидалари бузилганлиги;

жузъий қоидабузарлик учун Марказий банк томонидан жарима қўлланилганидан кейин уч йил давомида такроран содир этилган худди шундай қоидабузарлик.

#### **56-модда. Жузъий қоидабузарликлар**

Жузъий қоидабузарликлар жумласига мазкур Қонуннинг 54 ва 55-мод-

даларига мувофиқ қўпол ёки жиддий қоидабузарлик ҳисобланмайдиган, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган номувофиқликлар кирази.

**57-модда. Қўпол қоидабузарликлар учун чоралар ва санкциялар**

Қўпол қоидабузарликларни содир этганлик учун Марказий банк:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадларнинг икки баравари миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг беш фоизи ёки банк жами капиталининг бир фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

ушбу Қонун 51-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган чораларни банкка нисбатан алоҳида ҳолда ёки жамланган тарзда қўллашга;

лицензияни чакириб олишга;

банк кузатув кенгашининг, бошқарувининг аъзосидан ёки муҳим аҳамиятга эга ходимидан жарима қўлланилаётган ойдан аввалги бир йил ичида олинган мукофотнинг юз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

қоидабузарликлар, қоидабузарларга нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга ҳақли.

**58-модда. Жиддий қоидабузарликлар учун чоралар ва санкциялар**

Жиддий қоидабузарликларни содир этганлик учун Марказий банк:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадларнинг бир ярим баравари миқдоридан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг икки фоизи ёки банк жами капиталининг 0,5 фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

ушбу Қонун 51-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган чораларни банкка нисбатан алоҳида ҳолда ёки жамланган тарзда қўллашга;

банк кузатув кенгашининг, бошқарувининг аъзосидан ёки муҳим аҳамиятга эга ходимидан жарима қўлланилаётган ойдан аввалги бир йил ичида олинган мукофотнинг етмиш беш фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

қоидабузарликлар, қоидабузарларга нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга ҳақли.

Банклар томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган ҳоллар-

да Марказий банк банкнинг айби билан амалга оширилмай қолган суммага тенг миқдорда жарима солишга ҳақли.

### **59-модда. Жузъий қоидабузарликлар учун чоралар ва санкциялар**

Жузъий қоидабузарликларни содир этганлик учун Марказий банк:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган молиявий операциялардан олинган даромадларнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлса, банкдан ушбу даромадлардан ёки банк томонидан ўтган молия йили давомида олинган соф фойданинг бир фоизи ёки банк жами капиталининг 0,1 фоизи миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

ушбу Қонун 51-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган чораларни банкка нисбатан алоҳида ҳолда ёки жамланган тарзда қўллашга;

банк кузатув кенгашининг, бошқарувининг аъзосидан ёки муҳим аҳамиятга эга ходимидан жарима қўлланилаётган ойдан аввалги бир йил ичида олинган мукофотнинг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундиришга;

қоидабузарга нисбатан чоралар ва санкциялар қўлланилиши тўғрисида ёзма огоҳлантириш юборишга ҳақли.

### **8-боб. Банклараро операциялар ва мижозларга хизмат кўрсатиш**

#### **60-модда. Банклараро операциялар**

Банклар шартнома асосида пул маблағларини депозитлар, кредитлар шаклида бир-биридан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ҳисобкитоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисобкитобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни бажариши мумкин.

Марказий банк соғломлаштириш режимида бўлган банклар учун банклараро операциялар бўйича қўшимча лимитлар белгилашга ҳақли.

#### **61-модда. Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар**

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар ўзлари танлаган битта ёки бир неча банкда миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақлари очишга ҳақли.

Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш, шунингдек банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги миллий ва чет эл валютасидаги ҳисобкитоблар тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

**62-модда. Кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари ва банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори**

Кредитлар, депозитлар бўйича фоиз ставкалари, банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдори банк томонидан мустақил белгиланади.

Банк миждозлар билан тузилган шартномалар шартларини, шу жумладан кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ва уларни белгилаш тартибини, депозитлар бўйича фоиз ставкаларини, воситачилик ҳақи миқдорини ва ушбу шартномаларнинг амал қилиш муддатларини бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

**63-модда. Кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш**

Банклар гаров, кафолатлар, кафиллик, мажбуриятлар асосида ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг қонунда назарда тутилган бошқа усуллари асосида кредитлар беради.

Қарз олувчи томонидан шартномага доир мажбуриятлар бузилган тақдирда, банклар тақдим этилган кредитларни ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни шартномада назарда тутилган тартибда муддатидан илгари ундиришга, шунингдек ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли.

Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги), ушбу Қонун 7-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилмаган ва унинг талабларига мувофиқ бўлмаган акциялари ҳамда улушлари банклар томонидан таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Банклар таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкларга ўз акцияларини гаровга қўйиш эвазига кредит бериш тақиқланади.

Ушбу моддада белгиланган нормалар банкларнинг кафолатлар беришга оид молиявий операцияларни таъминлашга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

**64-модда. Қарздорни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш**

Банк қарзни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

**9-боб. Банк хизматлари истеъmolчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш****65-модда. Банк хизматларини кўрсатиш**

Банк хизматларининг истеъmolчилари банкни ва банк хизматларини танлашда эркиндир. Банклар истеъmolчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари билан танишиш имкониятини тақдим этиши шарт.

Банк шахсни банкнинг хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланиш шарти сифатида банкнинг ёки ўзга учинчи шахснинг бошқа банк хизматидан ёки маҳсулотидан фойдаланишга мажбур қилмаслиги керак.

### **66-модда. Банк хизматлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш**

Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартлари, воситачилик ҳақи, тарифлар ва банк хизматлари кўрсатганлик учун фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборот очиқ ахборот бўлиб, улар банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Мазкур ахборот тижорат ёки банк сирининг предмети бўлиши мумкин эмас.

Банк хизматлари кўрсатиш шартномаси тузилгунига қадар истеъмолчига улар тўғрисидаги ахборотнинг тўлиқ ошкор қилиниши таъминланиши керак. Кўрсатиладиган банк хизматларининг шартлари ва қиймати ҳақидаги ахборотни мижозга тақдим этишни рад қилишга йўл қўйилмайди.

Банклар кредит бериш қандай шартлар асосида амалга оширилаётганлиги ҳақида, шу жумладан кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати тўғрисида мижозга ахборот бериши керак.

Кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати деганда ҳисоб-китоб қилиш чоғида қарз олувчининг кредит (қарз) олиш билан боғлиқ тўловлари ҳисобга олинадиган ишончли, йиллик ва самарали тарзда ҳисоблаб чиқарилган фоиз ставкаси тушунилади. Кредитнинг (қарзнинг) тўлиқ қиймати ҳисоб-китобига қарз олувчининг тўловлари, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига тўловлари, агар қарз олувчининг бундай тўловлар бўйича мажбурияти шартнома шартларидан келиб чиқса ва (ёки), агар кредит (қарз) бериш бундай тўловларни амалга оширишга боғлиқ қилиб қўйилган бўлса, қиритилади.

Банк хизматлари кўрсатишнинг умумий шартларидаги ўзгаришлар улар кучга киришидан камида ўн кун олдин банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши керак, шунингдек фоиз ставкаларининг ва валюталарни айирбошлаш курсининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот улар ўзгарган кун эълон қилинади.

### **67-модда. Омонатчиларнинг ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар банк омонатчилари бўлиши мумкин.

Омонатчилар ўзига тегишли пул маблағларини омонатларга жойлаштириш учун банкни танлашда эркиндир ва бир ёки бир нечта банкда омонатларга эга бўлиши мумкин.

### **68-модда. Мурожаатларни кўриб чиқиш**

Банклар мижозларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиб-таомилини ўз ичига олган тартибга эга бўлиши шарт. Мижозларнинг мурожаатлари банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай,

қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак.

Мижозларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига оид ҳужжатлар камида уч йил сақланиши керак.

### **69-модда. Монополияга қарши қоидалар**

Банкларга молиявий операциялар бозорини монополлаштириш ва банк соҳасида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш учун ўз уюшмаларидан ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Банкларнинг монополияга қарши қоидаларга риоя этиши Марказий банк томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ монополияга қарши орган томонидан назорат қилинади.

### **10-боб. Банкларда ҳисобга олиш, ҳисоботлар ва аудиторлик текшируви**

#### **70-модда. Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш**

Банклар бухгалтерия ҳисобини Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатиغا мувофиқ ташкил этади ва юритади.

Банклар молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини қўллаши мумкин.

Банклардаги бухгалтерия ҳисоби:

бошқарувга, молияга, солиққа ва назоратга оид ҳисоботнинг ҳамда бошқа ҳисоботларнинг ишончилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари акс эттирилишини;

банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

банк акциядорлари ва кузатув кенгаши томонидан банкнинг молиявий аҳолини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак.

#### **71-модда. Банкларнинг ҳисоботлари**

Банклар Марказий банкка молиявий ва назорат ҳисоботларини тақдим этади.

Банк ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади.

Банклар Марказий банкнинг талабига кўра консолидациялашган, даврий, шунингдек бир марталик ҳисоботларни тақдим этади.

Банк Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва бошқа маълумотларнинг яхлитлиги ҳамда ишончилиги учун жавобгардир.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисоботларни ҳам тақдим этади.

**72-модда. Банклар томонидан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш**

Банклар молиявий ҳисоботларни, банклар гуруҳининг асосий банки консолидациялашган молиявий ҳисоботларни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлик ташкилоти тасдиқлаганидан кейин Марказий банк томонидан белгиланадиган шаклда эълон қилади.

Банклар ўз маблағларига, капиталга доир талабларнинг бажарилишига, ликвидликка, таваккалчиликларнинг қиймати ва бошқа муҳим кўрсаткичларга (нормативларга) доир ахборотни ошкор этиши керак.

**73-модда. Банк операцияларига доир ҳужжатларни сақлаш**

Банклар ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда ва муддатларда ўз идоравий архивида сақлаши шарт.

**74-модда. Банкларнинг ва банклар гуруҳининг аудиторлик текшируви**

Банк ва банклар гуруҳи аудиторлик текширувининг мақсади банкнинг ва банклар гуруҳининг молиявий ахбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини аудиторлик ташкилоти томонидан аниқлашдан иборат.

Банкларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ва банклар гуруҳининг йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтказилиши мажбурийдир. Банкнинг ва банклар гуруҳининг аудиторлик текшируви Марказий банкнинг талабига кўра умуман банкнинг ёки банклар гуруҳининг фаолияти бўйича ҳам, улар фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи, банклар гуруҳининг йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботи тўғрисидаги аудиторлик хулосаси қонунда назарда тутилганидан ташқари, аудиторлик ташкилоти томонидан:

банк, банклар гуруҳи томонидан ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра пруденциал нормативларнинг бажарилишини;

банкнинг, банклар гуруҳининг ички назорати ва таваккалчиликларини бошқариш тизимларининг ташкил этилиши Марказий банк томонидан қўйилган талабларга мувофиқлигини текшириш натижаларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотлари банкнинг ва банклар гуруҳининг фаолиятини текшириш натижаларига кўра молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди (ёки тасдиқламайди), шунингдек банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи, банклар гуруҳининг консолидациялашган йиллик молиявий ҳисоботи илова қилинадиган аудиторлик хулосасини беради.

Аудиторлик хулосасисиз банкнинг йиллик молиявий ҳисоботи, шунингдек банклар гуруҳининг консолидациялашган йиллик молиявий ҳисоботи Марказий банк томонидан қабул қилинмайди ва эълон қилинмайди.

**75-модда. Банкнинг ва банклар гуруҳининг аудиторлик текширувини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотига доир талаблар**

Банк молиявий ҳисоботининг ва банклар гуруҳи консолидациялашган молиявий ҳисоботининг аудиторлик текшируви аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда Марказий банкнинг банкларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатиغا эга бўлган аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади.

Аудиторлик ташкилоти банкка алоқадор шахс бўлмаслиги ва унинг олдида пул мажбуриятларига эга бўлмаслиги керак.

Банк билан (банклар гуруҳининг асосий банки билан) аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган шартномаларда аудиторлик ҳисоботининг Марказий банкка топширилишини чекловчи қоидалар бўлмаслиги керак.

Аудиторлик ташкилоти:

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг қўпол бузилишига олиб келувчи;

банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган;

молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисобини юриштиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдиришни аудиторлик ташкилоти томонидан рад этишга ёки фикрларни қўшимча шарт билан билдиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида Марказий банкни дарҳол хабардор этиши шарт.

Марказий банкнинг талабига кўра аудиторлик ташкилоти аудиторлик ҳисоботи билан боғлиқ қўшимча тушунтиришлар тақдим этиши керак.

Банкларда аудиторлик текширувини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатни ва аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

**11-боб. Банкларни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

**76-модда. Банкни қайта ташкил этиш**

Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг руҳсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлат ягона таъсисчиси бўлган банкни қайта ташкил этиш Марказий банк билан келишилган ҳолда ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори мавжудлиги банкни қайта ташкил этиш учун рухсатнома олиш тўғрисида Марказий банкка ариза бериш учун асос бўлади.

Марказий банк банкни қайта ташкил этишни рад этган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Банкни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан кейин қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келадиган ҳар бир банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун зарур ташкилий-техник тадбирлар бажарилади.

Банкни қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олинганлиги қайта ташкил этилиши натижасида вужудга келадиган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш учун кафолат бўла олмайди.

Қайта ташкил этилаётган банк қайта ташкил этиш жараёнини Марказий банкнинг рухсатномаси олинган кундан эътиборан олти ой ичида таомлаши шарт.

Қайта ташкил этиш натижасида янгидан юзага келган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банкни қайта ташкил этиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

### **77-модда. Лицензияни чақириб олиш**

Марказий банк қуйидаги ҳолларда лицензияни чақириб олишга ҳақли: агар банк лицензияни олганидан кейин ўн икки ой ичида банк фаолиятини амалга оширишни бошламаган, бу фаолиятдан тўғридан-тўғри воз кечган ёки молиявий операцияларни уч ойдан ортиқроқ муддат давомида амалга оширмаган бўлса;

лицензия бериш шартлари банк томонидан бажарилмаганда;

ушбу Қонуннинг 54-моддасида кўрсатилган қўпол қоидабузарликлардан бири банк томонидан содир этилганда;

агар банк кетма-кет келувчи уч чоракнинг ҳар бирида банк регулятив капиталининг ўн фоизидан ортиқ ёки муддатидан қатъи назар, регулятив капиталнинг эллик фоизидан ортиқ миқдорда зарар кўрган бўлса ёки зарар кўриш эҳтимоли мавжуд бўлса;

қайта ташкил этиш натижасида банкнинг фаолияти тугатилганда;

акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

Ўзбекистон Республикасида банк ташкил этган чет давлат банкидан лицензия чақириб олинганда;

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда.

Банкнинг тўловга қобилиятсизлиги деганда қуйидаги ҳоллар тушунилади:

банк мижозларнинг ўзига нисбатан қўйган талабларини ўн беш кун ичида тўлашга қодир бўлмаса;

банкнинг мажбуриятлари унинг активларидан ортиб кетса;

омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган маблағларнинг бутлигига хавф солувчи ҳар қандай бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

Банк бошқаруви банкнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолларда дарҳол Марказий банкка хабар бериши керак.

Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Марказий банк бошқарувининг қарори ушбу қарор қабул қилинган куни банк раҳбариятига имзо қўйдириб топширилади.

Банкнинг лицензияси чақириб олинганлиги тўғрисидаги ахборот мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

Банкка Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан ушбу Қонунга мувофиқ банклар учун рухсат этилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади, бундан банкнинг тугатилиши билан боғлиқ ҳаракатлар мустасно.

### **78-модда. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш**

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун:

банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан ихтиёрий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

### **79-модда. Ихтиёрий тугатиш**

Ихтиёрий тугатиш банк акциядорлари (иштирокчилари) умумий йиғилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори асосида, кредитор-

лар ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда Марказий банкнинг рухсати олинганда амалга оширилади.

Банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк Марказий банкка акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Банкни ихтиёрий тугатишга рухсат олиш учун банк акциядорлар умумий йиғилишининг мазкур қарори қабул қилинганидан кейин беш кундан кечиктирмай Марказий банкка қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза беради:

банкни тугатиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда қабул қилинган қарор;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган, тугатиш жараёнини, кредиторларнинг ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш тартиб-таомиллари ва муддатлари доирасидаги ташкилий-амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган тугатиш режаси;

ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисида Марказий банкка ариза билан мурожаат этилган пайтдаги талабларни қаноатлантириш учун маблағлар етарли эканлигини тасдиқловчи баланс ҳисоботи;

тугатиш комиссиясининг таркиби тўғрисидаги ахборот ва бошқа зарур маълумотлар.

Банкни тугатиш комиссияси олдиндан Марказий банк билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, банкни тугатиш бўйича комиссия Марказий банк бошқарувининг қарори билан ташкил этилади.

Тугатиш комиссиясининг раҳбари ва аъзолари ушбу Қонуннинг 36-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Марказий банк банкни ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани олган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва қўйидаги шартлар бажарилган бўлса, банкни ихтиёрий тугатиш учун рухсат беради, агар:

банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган бўлса;

банк тўловга лаёқатли бўлса;

банк томонидан тақдим этилган ҳужжатларда тўлиқ ва етарли маълумотлар мавжуд бўлса;

тақдим этилган тугатиш режаси кредиторлар ва омонатчиларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилиши учун имкониятлар бўлишини таъминласа;

банк Марказий банкнинг сўровномасига кўра банкни ихтиёрий тугатиш-

га рухсат бериш шартлари бажарилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этган бўлса.

Марказий банк салбий қарор қабул қилган тақдирда ихтиёрий тугатишга рухсат бериш рад этилгани тўғрисидаги асослантирилган қарорни банкнинг кузатув кенгашига етказди. Зарур ҳолларда Марказий банк тугатиш режаси ва жадвалининг қайта кўриб чиқилишини ёки қўшимча ҳужжатлар ва ахборот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

Марказий банк ихтиёрий тугатиш учун рухсат берганидан кейин банк лицензиясини чақириб олади.

Агар ихтиёрий тугатиш жараёнида банк тўловга лаёқатсиз эканлиги аниқланса, тугатиш комиссияси зудлик билан Марказий банкка хабар бериши ҳамда банкнинг молиявий аҳволини тасдиқловчи тегишли ҳисобот ва ҳужжатларни тақдим этиши керак.

Марказий банк ушбу модданинг ўнинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ушбу Қонуннинг 77-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан биронтаси мавжуд бўлган тақдирда, банкнинг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида қарор қабул қилади ва мажбурий тугатиш жараёнини бошлаб юборади.

### **80-модда. Мажбурий тугатиш**

Банк Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори асосида мажбурий тугатилади.

Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

Марказий банк тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли.

### **81-модда. Тугатиш комиссиясининг ваколатлари**

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан банк ишларини бошқариш бўйича, шу жумладан банк акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқаруви ваколатлари ушбу комиссияга ўтади.

Тугатиш комиссияси тайинланган санадан эътиборан икки кун ичида оммавий ахборот воситаларида, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида банк тугатилганлиги, шу жумладан унинг омонатчилари ва кредиторлари томонидан талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги аризаларни бериш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги эълонни чоп этиши шарт. Талабларни тақдим этиш муддати банк тугатилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан икки ойни ташкил этади ва мазкур муддат тугаганидан сўнг тугатиш комиссияси томонидан талаблар қабул қилинмайди.

Тугатиш комиссияси қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ҳам ошкор қилиши керак.

Тугатиш комиссияси лицензия чақириб олинган кундан эътиборан икки ой ичида кредиторларни аниқлаш ҳамда дебиторлик қарзларини ва Марказий банкнинг мажбурий захиралар жамғармасида депозитга қўйилган маблағларни олиш чораларини кўради. Мазкур маблағлар биринчи навбатда туга-

тилаётган банкнинг қарзларини жисмоний шахсларнинг талаблари асосида тўлашга қаратилади, бундан банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

### **12-боб. Яқунловчи қоидалар**

#### **82-модда. Низоларни ҳал этиш**

Банк ва унинг миқозлари ўртасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### **83-модда. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****846 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида\***

Мамлакатимизнинг металлургия саноатига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни фаол жалб қилиш, юқори қўшимча қийматга эга импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шунингдек, «Тошкент металлургия заводини қуриш» инвестиция лойиҳаси ижросининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси — энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 ноябрь,  
ПҚ-4504-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги  
ПҚ-4504-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги «Тошкент металлургия заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2874-сон қарорига:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «2019 йил декабрда фойдаланишга топширишни назарда тутувчи» сўзлари «2020 йил майда маҳсулотнинг биринчи ўрамини ишлаб чиқаришни назарда тутувчи» сўзлари билан алмаштирилсин;  
учинчи хатбошидаги «130» сони «147» сони билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «286,7» сони «326,7» сони билан алмаштирилсин;  
иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Toshkent Metallurgiya Zavodi» МЧЖнинг 147 млн евро эквиваленти қийматидаги ўз маблағлари, шу жумладан «Metallurgical Technology and Engineering B.V.», «SFI Management Group» ХК МЧЖ компаниялари хожижий таъсисчининг — 73,65 млн евро эквивалентидаги, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 73,35 млн евро миқдоридаги улуши»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банк синдикатни ташкил этиш орқали «Асака» АТБни етакчи банк этиб белгиланган ҳолда «Росэксимбанк» АЖ (Россия Федерацияси) билан кредит шартномалари тузилган санадан бошлаб 36 ойлик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга, фоиз ставкаси Euribor 6m + йиллик 5,25 фоиздан ошмайдиган, шу жумладан, қайта молиялаштирувчи банкларнинг йиллик 0,5 фоиз миқдоридаги маржаси билан тақдим этиладиган, тижорат банклар орқали қайта молиялаштириладиган 164,56 млн евро миқдоридаги «Росэксимбанк» АЖ (Россия Федерацияси) кредитлари, шу жумладан «Российское агентство по страхованию экспортных кредитов и инвестиций» ОАЖ (Россия Федерацияси) мукофоти»;

в) 6-банднинг тўртинчи хатбоши «тасдиқлаш» сўзидан кейин «шунингдек, 2020 йил 1 мартгача ушбу инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларига тузатишлар киритиш» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 8-банднинг «а» кичик банди «лойиҳавий ҳужжатлар» сўзларидан кейин «синов воситалари бўлган хом ашёлар, материаллар, технологик» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Тошкент металлургия заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3638-сон қарорида:

а) 3-банд чиқариб ташлансин;

б) 10-банднинг «а» кичик банди иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «2020 йилнинг 1 январигача» сўзлари «2021 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг рус тилидаги матн\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин.

---

\* Матн «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**847** **Хуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мамлакатимизда ислохотларнинг фаол амалга оширилиши муносабати билан давлат ва жамиятни ривожлантиришга оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сони ва кўлами ошди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар қонун ҳужжатларини қўллаш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш фаолияти етарлича ташкил қилинмаганлиги, уларнинг натижадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизми тўлиқ йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш, нотўғри ёки зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига олиб келадиган нормалар пайдо бўлишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни 42-моддасига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизимини (кейинги ўринларда — ҳуқуқий мониторинг) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ягона амалиётини жорий этиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадларига мувофиқлигини ўрганиш;

ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлигини таъминлаш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, коррупцияга оид омиллар, бир-бирини такрорловчи ва коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифасидир;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлиги уларни амалда қўллаш бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш йўли билан аниқланади;

ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича амалга оширилади;

ҳуқуқий мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига (кейинги ўринларда — мониторинг режаси) мувофиқ амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан қўшимча ҳуқуқий мониторинг ўтказиш талаб этилган тақдирда, ҳуқуқий мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан мониторинг режасига қўшимча киритилмасдан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танлаб олиб, такрорий ҳуқуқий мониторинг ўтказишга ҳақли;

ҳуқуқий мониторингни ўтказишда давлат бошқаруви органлари адвокатлар, илмий-таълим муассасалари мутахассислари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари, шунингдек, фуқароларни шартнома асосида жалб қилишга ҳақли. Ушбу тадбирларни молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий мониторингда иштирок этиш;

давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг якунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторингни ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш.

6. Давлат бошқаруви органлари:

а) ҳар йили 1 февралга қадар:

ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантиришни ва биринчи раҳбар имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

мониторинг режасига мувофиқ ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишни;

б) ҳар чоракда мониторинг режасига мувофиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳар йили 20 февралга қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг таклифлари асосида мониторинг режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтган йилда ўтказилган ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

мониторинг режасининг бажарилиши натижалари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилиш зарурати;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятлар, шунингдек, коррупцияга оид нормаларни бартараф этиш чораларини кучайтириш бўйича таклифлар;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 мартга қадар мониторинг режасини ҳамда ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокама қилган ҳолда тасдиқласин.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳуқуқий мониторингни сифатли ва ўз вақтида ўтказиш, мониторинг режаси бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўтказилиши ҳолати бўйича ахборотни белгиланган муддатларда киритиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шу жумладан мазкур қарорнинг 6-7-бандларида назарда тутилган ташкилий тадбирлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш-

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг ягона электрон тизимида ташкил этиладиган махсус электрон майдончада амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида:

ҳуқуқий мониторинг иштирокчилари ўртасида тезкор электрон ҳужжат айланишини таъминлаш;

мониторинг режасини шакллантириш;

ўтказилган ҳуқуқий мониторинг яқунлари бўйича тайёрланган материалларни жойлаштириш имконини яратувчи махсус электрон майдончани жорий этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мунтазам равишда махсус электрон майдончанинг тўғри бошқарилишини мувофиқлаштиради, шунингдек, ўтказилган ҳуқуқий мониторинг яқунлари бўйича жойлаштирилган материалларни таҳлил қилиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 ноябрь,  
ПҚ–4505-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги  
ПҚ–4505-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги  
низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 10-банднинг 4-кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторингни ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

қонун ҳужжатлари қўлланилишининг ҳуқуқий мониторингини ўтказишда қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича таъсир чораларини кўради;

давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилишини таҳлил қилади ва улар томонидан ҳуқуқий мониторинг ўтказиш сифатини ошириш бўйича чоралар кўриш учун тавсиялар тайёрлайди».

2. 12-бандда:

5-кичик банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқий мониторинг яқунлари бўйича ўз вақтида тақдим этилмаган, нотўғри, ишончсиз ёки тўлиқ бўлмаган ахборот тақдим этилган тақдирда, уларга нисбатан ҳуқуқий мониторингни ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш»;

қуйидаги мазмундаги 34-кичик банд билан тўлдирилсин:

«34) давлат бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий мониторингида иштирок этиш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**848 Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун олиб ўтиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан:

нотижорат мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали қўл юкида ва кузатиб борилаётган багажида товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиغان товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган божхона божи, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона божхона тўловини тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг содалаштирилган тартиби жорий этилади;

жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун божхона чегараси орқали қўл юкида, кузатиб борилаётган багажида, шунингдек, почта жўнатмалари орқали олиб кириладиган хайвонотга мансуб озиқ-овқат маҳсулотларида ишлаб чиқариш ўривининг мажбурий мавжудлиги тўғрисидаги талаб ўрнатилди.

2. Белгилансинки, ягона божхона тўлови божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодидан ва келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божхона қийматидан келиб чиққан ҳолда, чекланган меъёрлардан ортиқ қисмига нисбатан ундирилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3512-сон қарорининг 1-иловасида назарда тутилган товарларни олиб кириш меъёрлардан ортган тақдирда божхона тўловлари умумбелгиланган тартибда тўланиши белгилансин.

3. Қўйидагилар:

товарнинг божхона қийматидан 30 фоиз, лекин ҳар бир килограми учун 3 АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда ягона божхона тўлови ставкаси;

иловага мувофиқ, Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

учун олиб кириладиган товарлар тоифасига кирмайдиган товарлар рўйхати тасдиқлансин.

4. Давлат божхона кўмитаси:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона chegarаси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг белгиланган мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда;

конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин;

б) ушбу қарорнинг мазмун ва моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ҳамда аҳоли эътиборига етказишни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-4508-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги  
ПҚ-4508-сон қарорига  
ИЛОВА

**Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари  
учун олиб кириладиган товарлар тоифасига  
кирмайдиган товарлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ички ёнув двигателлари.

2. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 8403 10 субпозициясида таснифланувчи марказий иситиш қозонлари.

3. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 8426 — 8430, 8433 — 8442, 8444 00 — 8449 00 000 0, 8453 — 8464, 8465, 8466, 8468, 8474 — 8480, 8486, 8514, 8530, 8534 00, 8535, 8545, 8548, 9024, 9027, 9030 ва 9031 товар позицияларида таснифланувчи машиналар, механизмлар, ускуналар (газонлар, боғлар ёки спорт майдончалари учун косилкалар, дискили майший арра бундан мустасно).

4. Офтобда қорайиш учун солярийлар.

5. Тиббиёт техникаси ва ускуналари (шприцлар, игналар, катетерлар, канюлялар, шунга ўхшаш асбоблар, қон босими, тана ҳароратини ўлчаш ускунаси, шунингдек, тиббий кўрсатмалар бўйича фойдаланиш учун зарур бўлган аппаратуралар бундан мустасно).

6. Тиббиёт, хирургия, стоматология ёки ветеринария мебелли (тиббий кўрсатмалар бўйича фойдаланиш учун зарур бўлган механик мосламалли шифохона койкалари бундан мустасно).

7. Сартарошхона креслоси ва шунга ўхшаш креслолар, уларнинг қисмлари.

8. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 9010 товар позициясида таснифланувчи фотолабораториялар учун аппаратуралар ва ускуналар.

9. Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТН 9023 00 товар позициясида таснифланувчи намоёниш қилиш мақсадларига мўлжалланган жиҳозлар, аппаратуралар ва моделлар.

10. Тангалар, банкнотлар, банк карточкалари, жетонлар ёки бошқа шунга ўхшаш тўлов воситалари билан ҳаракатга келтириладиган ўйин автоматлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **849** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3263-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

Этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотларини замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, алкоголь маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини кўпайтириш, уларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3263-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 ноябрда эълон қилинган.

каси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 7 ноябрь,  
ПҚ-4511-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 7 ноябрдаги  
ПҚ-4511-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
11 сентябрдаги «Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-  
арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3263-сон қарорига  
критилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Тошкент шаҳрида янги ликёр-арақ заводининг қурилиши учун «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚҚни Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 23/35-уй манзили бўйича жойлаштириш».
2. 6-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«бош лойиҳа ташкилоти этиб — «O‘zog‘irsanoatloyiha» instituti» АЖ;  
бош пудратчи ташкилот этиб — «СК Альфа строй» МЧЖ белгилансин».
3. 7 — 9-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. 14-банддаги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг сўзлари «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚҚнинг сўзлари билан алмаштирилсин.
5. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚҚнинг талабномаларига кўра лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган хорижий мутахассисларга, хорижий компаниялар ходимларига кўп марталик визаларни расмийлаштириш, бериш ва муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига вақтинча прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг муддатини узайтиришни давлат божи ундирилмаган ҳолда амалга оширишни таъминласин».
6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚҚнинг талабномаларига кўра лойиҳани амалга

оширишда иштирок этиш учун хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар бериш (муддатини узайтириш)ни, шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар беришни (муддатини узайтириш)ни давлат божи ундирилмаган ҳолда таъминласин».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**850** Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПҚ-4417-сон «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 октябрь,  
40-2019-Б-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 11 октябрдаги  
40-2019-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат  
жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга  
муҳтож қатлами тоифаларининг  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифалари
1.	Ногиронлар ва пенсия олди ёшидаги шахслар (эркаклар учун 58 ёшдан 60 ёшга тўлишгача ва аёллар учун — 53 ёшдан 55 ёшга тўлишгача пенсияга чиқишдан олдинги ёш)
2.	Ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналар ҳамда кўп болали ота-оналар
3.	Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари
4.	Одам савдоси қурбони бўлган шахслар
5.	Кам таъминланган оиланинг меҳнатга лаёқатли оила аъзолари
6.	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар
7.	Меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган шахслар
8.	Меҳнат миграциясидан қайтган шахслар

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси билан келишилган.

**Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**А. ИКРАМОВ**

2019 йил 11 октябрь

**«Маҳалла» хайрия  
жамоат фонди раиси**

**Ш. ЖАВЛОНОВ**

2019 йил 11 октябрь

*Кичик бизнес ва тадбиркорликни  
ривожлантириш агентлиги  
директори*

**Б. МАМАТҚУЛОВ**

*2019 йил 11 октябрь*

*Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-  
қувватлаш давлат жамғармаси  
ижро этувчи директори в. б.*

**У. ИСМАИЛОВ**

*2019 йил 11 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**851** 2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
ни тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 109-иловаларга\*\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис**

**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 октябрь,  
10-мб-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

\*\* 1 — 109-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**852** 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга  
ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис**

**Б. БЕГАЛОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 октябрь,  
9-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил  
2 октябрдаги 9-мб сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.11.2018 й., 10/18/3083/2143-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 февралдаги 1-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3083-1,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 ноябрда эълон қилинган.

2019 йил 25 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.03.2019 й., 10/19/3083-1/2810-сон);

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 29 июлдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 102-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3083-2, 2019 йил 13 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2019 й., 10/19/3083-2/3543-сон);

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 26 августдаги 7-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 73-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3083-3, 2019 йил 4 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.09.2019 й., 10/19/3083-3/3683-сон);

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 8-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 51-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3083-4, 2019 йил 3 октябрь).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**853** Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 июлдаги 555-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизматининг фаолиятини ташкил этиш

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 21 июлдаги 20/3-сон қарори (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 39-сон, 405-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
24 августдаги 21/10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан  
касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Нобанк кредит ташкилотлари кассадаги нақд пул қолдигининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмини банкдаги ҳисобварақларига киритиш учун инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда банк кассаларига топширадilar.»

2. 1б-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. 2-илованинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Нобанк кредит ташкилотларининг пул маблағлари ва бойликларини банк муассасаларидан олиб келиш ёки уларга топширишда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан шартнома асосида транспортда кузатиб борилиши мумкин.»

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган.

**Миллий гвардия қўмондони**

**Б. ТАШМАТОВ**

2019 йил 9 октябрь

*Фавқулодда  
вазиятлар вазири в. б.*

*Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ*

*2019 йил 14 октябрь*

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар  
томонидан касса операцияларини амалга  
ошириш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришларга  
ИЛОВА

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар  
томонидан касса операцияларини амалга  
ошириш қоидаларига  
16-ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларининг касса хоналарини  
техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўриқлаш — ёнғиндан  
огоҳ этиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича  
ТАЛАБЛАР**

1. Мазкур талаблар нобанк кредит ташкилотларида касса хоналарини техник жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қўриқлаш — ёнғиндан огоҳ этиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича меъёрларини белгилайди.

2. Нобанк кредит ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган кассалар фиштли ёки темир бетон деворларга, мустаҳкам эшикларга, пол ва шифтларга эга бўлиши лозим.

3. Касса хоналари пул ва бошқа қимматликларни сақлаш учун ёнмай-диган сейфлар билан жиҳозланган, шунингдек улар деворга ёки полга қотирилган бўлиши лозим.

4. Нобанк кредит ташкилотлари кассаларининг қурилиш-монтаж, техник жиҳатдан мустаҳкамлиги ва хавфсизлиги, уларда қимматликларнинг бутлиги, дахлсизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъулият ушбу ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

5. Касса хоналарига нобанк кредит ташкилотлари ихтиёрига кўра замонавий технологиялар асосида яратилган, дастурий таъминотга асосланган воситалар ёрдамида моддий жавобгар шахсларнинг биометрик («бармоқ изи», «кўз гавҳари», «товуш диапазони» ва бошқа) белгиларига қараб идентификация қилишга қодир бўлган эшиклар ўрнатилиши мумкин.

6. Ёнғин ёки фавқулодда вазиятлар юзага келганда инсонларни ва моддий бойликларни сақлаш мақсадида, бинонинг дераза ромларига панжаралар хонанинг ички томонидан энгил очиладиган қилиб ўрнатилиши лозим.

7. Касса хоналари қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи билан жиҳозланиши шарт:

а) биринчи ҳимоя тўсиғи — хонанинг периметрини ҳимоя қилади. Касса

хоналарида деразалар мавжуд бўлганда, улар дераза очилиши ва ойна си-нишини қайд этиш қурилмалари билан жиҳозланади;

б) иккинчи ҳимоя тўсиғи — хонанинг ҳажмини ҳимоя қилади. Бунинг учун ҳажми қўриқлаш (ультратовуш, инфрақизил, оптик-электрон, радио-тўлқин русумли) қурилмалари қўлланилади.

8. Касса хоналарида кассирларнинг иш жойлари ташвиш тугмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

9. Касса хоналаридаги қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи ишдан ташқари вақтда қабул-назорат ускунаси орқали техник қўриқ-лаш пунктига қўриқлашга топширилади. Касса хоналаридаги ташвиш туг-малари иш вақти давомида техник қўриқлаш пунктига уланади.

10. Касса хоналаридаги қўриқлаш сигнализациясининг иккита ҳимоя тўсиғи алоҳида шлейфлар билан қабул-назорат ускуналарига уланиб, унинг чиқиши битта шлейф орқали техник қўриқлаш пунктига ва кассанинг нав-батчилик хонасидаги хабар бериш ускунасига уланади, шунингдек электр энергияси бўлмаган тақдирда қўриқлаш сигнализациясининг ўн икки соат ишлаб туришини таъминловчи захира электр манбаи билан таъминланиши лозим.

11. Касса хоналари норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ёнғин-дан автоматик хабар берувчи қурилмалар (тутунли, иссиқли ва ҳ. к.) би-лан жиҳозланади ва улар техник қўриқлаш пунктига ёки навбатчи ходим-лар постидаги ёнғиндан хабар берувчи назорат қилиш ускунасига уланади.

12. Қўриқлаш сигнализацияси ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар тизими ва кассани ёритиш тизими алоҳида-алоҳида монтаж қилинади ҳамда уларнинг узлуксиз ишлаши таъминланиши лозим. Симлар-нинг барча турлари пластмасса қувурларда яширилган ҳолда ўтказилади.

13. Касса хоналарининг ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалари тизими ШНҚ 2.04.09-2007 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси» талабларига мувофиқ келиши ва доимо ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

14. Касса хоналарини қўриқлаш сигнализация воситалари ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар билан жиҳозлашга доир ишлар рух-сатномага (лицензияга) эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оши-рилади.

15. Касса хоналарида монтаж қилинган қўриқлаш ва ёнғиндан автома-тик хабар берувчи қурилмаларни монтаж ташкилотидан фойдаланишга қабул қилиш ва далолатномани имзолаш Ўзбекистон Республикаси Мил-лий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Фав-қулдада вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва нобанк кредит ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда тузилган комиссия томо-нидан амалга оширилади. Монтаж ташкилоти мажбурий тартибда қўриқ-лаш ва ёнғиндан автоматик хабар берувчи қурилмалар монтажининг ижро чизмаси ва монтаж қилинган сигнализация аппаратларини ишлатиш йўриқ-номасини тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**854** Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3931-сон «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2019 йил 24 июлдаги 620-сон «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сон буйруғи (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 12-13-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 октябрь,  
13-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг 2019 йил  
10 октябрдаги 13-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат  
аттестацияси тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 11, 33-бандлар, 38-банднинг биринчи хатбошисидаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 32-бандда:

биринчи хатбошидаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 34-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.»

4. 37-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Фанларни ижобий ўзлаштираётган битирувчилар якуний аттестациядан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари буйруқлари асосида қуйидаги ҳолларда қисман ёки бутунлай озод этиладилар:

Мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ тасдиқланган якуний аттестациядан озод қилиш мумкин бўлган касалликларга асосан;».

5. Низом мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг иловасига\* мувофиқ таҳрирдаги илова билан тўлдирилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2019 йил 9 октябрь*

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**855 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 5 ноябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 02-02/2-2320-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 2 октябрдаги 11-3-07/4500-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мх-сон, 22-сон «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 апрелдаги 4-мх-сон, 82-сон «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2656-1, 2017 йил 27 апрель).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 ноябрь,  
503-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**856** Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 827-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2547, 2013 йил 31 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 ноябрда эълон қилинган.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Давлат хизматлари агентлиги директори Х. Турахужаев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 ноябрь,  
504-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги  
504-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида  
иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 47-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилишини қайд этиш учун ФХДЁ органига туғилишни қайд этиш муддатини ўтказиб юборганлик сабаблари кўрсатилган ариза боланинг ота-онаси, ота-онанинг қонуний никоҳи мавжуд бўлган ҳолларда улардан бири ёки ишончнома асосида бошқа манфаатдор шахс, ота-онанинг ўрнини босувчи шахс ёхуд васийлик ва хомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан тақдим этилади.»

2. 84-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий кўрик натижаси бўйича никоҳланувчи шахсларда ёки уларнинг бирида руҳий ҳолатининг бузилганлиги аниқланса, ФХДЁ органи руҳий ҳолатининг бузилиши аниқланган никоҳланувчи шахснинг яшаш жойидаги туман, шаҳар тиббиёт бирлашмасидан унинг руҳий ҳолати бузилиши сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги ҳақида маълумот мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши лозим.»

3. 125-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар консул ёки нотариус томонидан тасдиқланган ишончнома ва ариза асосида амалга оширилиши мумкин.»;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига тузатишлар киритиш яқин қариндош(лар) ёки меросхўр(лар)нинг аризасига кўра ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Вафот этган шахсларнинг туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувларига тузатиш ва қўшимчалар суд қарорига асосан ФХДЁ органи томонидан киритилади.».

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

## 857 Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сон «Юридик ва жисмоний шахсларнинг электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 12 июлдаги 91-сон буйруғи (рўйхат рақами 3174, 2019 йил 30 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.07.2019 й., 10/19/3174/3491-сон) билан тасдиқланган Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Д. САТТАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 октябрь,  
137-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш агентлиги  
бош директорининг 2019 йил 16 октябрдаги  
137-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган  
ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Модда оқими, сарфи, сатҳи, ҳажми параметрларининг ўлчов воситалари бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Модда оқими, сарфи, сатҳи, ҳажми параметрларининг ўлчов  
ВОСИТАЛАРИ**

73.	Ўзгарувчан босим тушиши сарф ўлчагичи	12 ой
74.	Саноатда қўллаш учун суюқлик ва газлар ҳажмий ва массавий сарфининг ультратовушли, электромагнитли сарф ўлчагичлари, ўзгартиргичлари	24 ой
75.	Ультратовушли саноатда қўллаш учун газлар ҳажмий ва массавий сарф ўлчагичлари	48 ой
76.	Маиший қўлланиш учун иссиқлик энергияси ҳажми ва миқдори сарфининг ҳисоблагичлари, ўзгартиргичлари	48 ой
77.	Ротаметрлар	12 ой
78.	Барча турдаги суюқлик ва газлар учун ўлчагичлар ва ҳисоблагичларни қиёслаш қурилмалари	24 ой
79.	Стандарт торайтирувчи қурилмалар ёрдамида суюқлик ва газларни ҳисобга олиш узеллари	48 ой
80.	Нефть ва нефть маҳсулотларини ўлчов учун автоматлаштирилган тизимлар ва қурилмалар	12 ой
81.	Сиқилган газ тарқатиш ўлчов колонкалари	12 ой
82.	Суюқликлар, газ ва иссиқлик энергияси ҳажми ва миқдорини ўлчов комплекслари, корректорлар, контроллерлар	24 ой
83.	Ёқилги ва мой тарқатиш колонкалари	6 ой
84.	Суюлтирилган газ тарқатиш колонкалари	6 ой
85.	Суюқ нефть маҳсулотлари учун ҳисоблагичлар, сарф ўлчагичлар	12 ой
86.	2000 ml гача кичик сиғимдаги суюқлик ўлчагичлари*	12 ой
87.	2000 ml дан юқори сиғимдаги суюқлик ўлчагичлари	12 ой
88.	Критик микросоплалар	24 ой
89.	Горизонтал ва вертикал цилиндрик резервуарлар	60 ой
90.	Автомобиль цистерналари	12 ой
91.	Темир йўл цистерналари	60 ой
92.	Тор саноат соҳасидаги ўлчов воситалари ва ускуналари	12 ой
93.	$10^{-6}$ дан $10^2$ $m^3/s$ гача диапазонда ҳажмий газ сарфини ўлчов воситалари	24 ой
94.	$4 \cdot 10^{-2}$ дан $2,5 \cdot 10^2$ $kg/s$ гача диапазонда массавий газ сарфини ўлчов воситалари	24 ой
95.	Сув оқимининг тезлигини ўлчов воситалари	12 ой

96.	Ҳаво оқимининг тезлигини ўлчов воситалари	12 ой
97.	Сатҳни ўлчов воситалари	12 ой
97 <sup>1</sup> .	Юридик шахсларнинг маиший қўллаш учун суюқлик ва газлар ҳажмий сарфининг ҳисоблагичлари	48 ой
97 <sup>2</sup> .	Жисмоний шахсларнинг маиший қўллаш учун суюқлик ва газлар ҳажмий сарфининг ҳисоблагичлари	96 ой

».

2. Ўзгармас ва ўзгарувчан тоқлар электр энергиясини ўлчов воситалари бўлимида:

а) 185 ва 186-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 185.	Юридик шахсларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ҳисоблагичлари	48 ой
186.	Жисмоний шахсларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш ҳисоблагичлари	96 ой

»;

б) 187-позиция чиқариб ташлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 2 ноябрдан 8 ноябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 11 октябрдаги 40-2019-Б-сон «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатлами тоифаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3192.***

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб-сон «2020 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

***2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3193.***

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 9-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2019 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083-5.***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/10-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қондаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1719-3.***

5. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2019 йил 10 октябрдаги 13-мх-сон «Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1778-2.***

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги

503-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656-2.*

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги 504-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2547-3.*

8. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2019 йил 16 октябрдаги 137-сон «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3174-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3083, 2018 йил 31 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3083-1, 2019 йил 25 март), (рўйхат рақами 3083-2, 2019 йил 13 август), (рўйхат рақами 3083-3, 2019 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 3083-4, 2019 йил 3 октябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 4 ноябрдаги 500-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 2656-1, 2017 йил 27 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 6 ноябрдаги 503-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

